

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ БЎЙИЧА
МУТАХАССИСЛАРНИ ИЛМИЙ-МЕТОДИК ТАЪМИНЛАШ, ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ**

**СПОРТ ФАОЛИЯТИ
йўналиши**

**“СПОРТДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-
КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН
ФОЙДАЛАНИШ”
модули бўйича**

ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент-2019

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълими ўқув-методик бирлашималари фаолиятини Мувофиқлашириувчи кенгашининг 2019 йил 18 октябрдаги 5-сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишилаб чиқилган.

Тузувчилар:

А.А.Толаметов – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази “Педагогика ва психология” кафедраси катта ўқитувчмси

Тақризчилар:

З.Рахмонов – Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, “Амалий математика ва компьютер таҳлили” кафедраси профессори, физика-математика фанлари доктори

А.Акбаров – Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети , “Табиий-илмий фанлар” кафедраси доценти, ф-м.ф.н. доцент

Ўқув-услубий мажмуа Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази Кенгашининг 2019 йил 11 ноябрдаги 9-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги хузуридаги
Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш,
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази “Педагогика ва психология” кафедраси
катта ўқитувчиси А.А.Толаметов томонидан ишлаб чиқилган
“Жисмоний тарбияда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш”
модулининг ўқув-услубий мажмуасига

ТАҚРИЗ

Тақризга тақдим этилган ушбу ўқув-услубий мажмуа Давлат таълим стандартлари
ҳамда Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги хузуридаги
Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта
тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази томонидан қўйилган талаблар асосида ишлаб
чиқилган.

“Жисмоний тарбияда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан
фойдаланиш” модули бўйича тузилган ўқув-услубий мажмуа 6 соатга мўлжалланган бўлиб,
2 соат назарий ва 4 соат амалий машғулотни ташкил қиласди.

Ўқув-услубий мажмуа Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил
12 сентябрдаги 2909-сонли карорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб
чиқсан холда тузилган. Олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати
ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий
тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш
кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилиб олинган.

Амалий машғулот мавзулари жисмоний тарбияда замонавий ахборот технологияларни
фойдаланиш умумий методолик асослари, машғулотларни ўтказишда қўллаш, дарс
ишланмаларини яратиш ва ҳужжатларни тақдим этиш мавзуларига қаратилган.

Ўқув услубий мажмуада жисмоний тарбияда ахборот коммуникация
технологияларини ўқув жараёнига тадбик этишининг мақсад ва вазифалари аниқ асослаб,
билимлар доирасида тавсифномалар берилган.

Мажмуа назорат саволлари, тестлар, глоссарий, адабиётлар ва интернет сахифаларига
йўлланмалар билан тўлдирилган.

Юкорилардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш мумкинки, “Жисмоний тарбияда
замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш” модули бўйича
тайёрланган ўқув-услубий мажмуа таълими усталарини бу модул бўйича билимини
кенгайтиради ва салоҳият даражасини оширади.

Хулоса қилиб айтганда, тақриз учун тақдим этилган ўқув-услубий мажмуа давлат
стандартларига тўлиқ жавоб беради ва Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт
вазирлиги хузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик
таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази ўқув жараёнини олиб бориш
учун тавсия этилади.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий
Университети “Амалий математика ва
компьютер таҳлили” кафедраси, физика
математика фанлар доктори



З.Рахмонов

Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги хузуридаги
Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш,
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази “Педагогика ва психология” кафедраси
катта ўқитувчиси А.А.Толаметов томонидан ишлаб чиқилган
“Жисмоний тарбияда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш”
модулининг ўқув-услубий мажмуасига

ТАҚРИЗ

“Жисмоний тарбияда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш” ўқув-услубий мажмуаси Давлат таълим стандартлари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 сентябрдаги 2909 –сонли карорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқкан ҳолда ҳамда Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги хузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази томонидан қўйилган талабларга асосланган, унда олий таълим мусассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентларини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўнималарини такомиллаштиришни мақсад килиб олинган.

“Жисмоний тарбияда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш” модули бўйича ишлаб чиқилган ўқув-услубий мажмуа 6 соатга мўлжалланган. Ундан 2 соат назарий ва 4 соат амалий машғулотга учун ажратилган.

Амалий машғулот мавзулари жисмоний тарбияда замонавий ахборот технологиялардан фойдаланишининг умумий методолик асослари, уларни машғулотларни ўтказиша кўллаш, дарс ишланмаларини яратиш ва хужжатларни тақдим этиш мавзуларига қаратилган.

Ўкув услубий мажмууда жисмоний тарбияда ахборот коммуникация технологияларини ўкув жараёнига тадбиқ этишининг мақсад ва вазифалари аниқ асосланган ва билимлар доирасида тавсифномалар берилган.

Мажмуа назорат саволлари, тестлар, глоссарий, адабиётлар ва интернет саҳифаларига йўлланмалар билан тўлдирилган.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш мумкинки, “Жисмоний тарбияда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш” модули бўйича тайёрланган ўқув-услубий мажмуа таълими усталарини бу модул бўйича билимини кенгайтиради ва салоҳият даражасини оширади.

Хулоса килиб айтганда, тақриз учун тақдим этилган “Жисмоний тарбияда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш” ўқув-услубий мажмуаси давлат стандартларига тўлиқ жавоб беради ва Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги хузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази ўкув жараёнида фойдаланиш учун тавсия этилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт университети
“Табиий-илмий фанлар” кафедраси доценти, ф.м.ф.н.



МУНДАРИЖА

I.	Ишчи дастур.....	3
II.	Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари.....	10
III.	Назарий материаллар.....	23
IV.	Амалий машғулот материаллари.....	39
V.	Кейслар банки.....	97
VI.	Глоссарий.....	101
VII.	Адабиётлар рўйхати.....	109

I БҮЛІМ

ИШЧИ ДАСТУР

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 сентябрдаги 2909 –сонли қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-хуқуқий хужжатлари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимларидан фойдаланиш ва масофавий ўқитишнинг замонавий шаклларини қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Демак, соҳа олимлари ва мутахассислари ушбу имкониятлардан тўлақонли фойдаланиш, шу йўналиш бўйича рақобатбардош кадрлар тайёрлашга ихтисослаштирилган илғор илмий-педагогик технологиялар ишлаб чиқишилари, таълим стандартлари ва ўқув дастурларини замон талабларига мос равишда шакллантиришлари зарур бўлади.

Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказининг устувор вазифаси малака ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнларида тингловчиларнинг касбий тайёргарлигини ҳозирги замон талаблари даражасида ривожлантириш, уларда зарур билим, кўникма ва малакаларни замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланган ҳолда шакллантиришдан иборат.

Ҳозирги глобаллашув жараёнининг илмий-техникавий соҳада ўзининг таъсирини кўрсатиши ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жадал суръатда амалиётга жорий этилиши, мамлакатимизда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимининг сифатини янада оширишга туртки бўлмоқда. Бу эса, замонавий ўқитиш технологияларига илмий жихатдан методик ёндашувлар тингловчиларнинг касбий маҳорати, дунёқарашини жадал шакллантиради ҳамда замонавий билимларини тез ва мустаҳкам ўзлаштиришларига замин яратади.

Педагог ва раҳбар кадрларининг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича компетентлигини ошириш долзарб масалалар қаторига киради. Айнан бундай муҳитнинг яратилиши тингловчининг малака ошириши бўйича талабларга мослигини тавсифловчи педагогик ҳамда дидактик тамойилларга нисбатан аниқ мезонларни амалга оширилишига хизмат қиласди.

Тингловчиларнинг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича компетентлиги таълим олувчининг юқори мотивацияси, шахснинг қўйилган мақсадга эришишга йўналтирилганлиги, мулоқотга нисбатан етарлича юқори қобилияти, ўз хатоларини тузатиб бориши, ўзини-ўзи ривожлантириш бўйича интилиши, тингловчининг ташки таълимий ахборотларга нисбатан ички шахсий талабларининг мослигини таъминлади. Бу эса ўз навбатида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллашишига хизмат қиласди.

Дастур материалларини ўзлаштириш жисмоний тарбия ва спорт бўйича педагог кадрларнинг маънавий-ахлоқий хислатларини шаклланишига, уларни танлаган касбига бўлган қизиқишини кучайишига ижобий таъсир кўрсатишини таъминлади, касбий-педагогик билим, малака ва кўникмалар билан қуроллантиради, етук мутахассис ва шахсга хос хислатларини шакллантиради, профессор-ўқитувчиларнинг ташкилотчилик, тадқиқотчилик, ижодкорлик хислатларини тарбиялади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Спортда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш” модулининг мақсади: жисмоний тарбия таълими жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг умумий асосларини ўрганиш, презентация ва тақдимотлар яратиш билан боғлиқ фаолиятни жадаллаштириш, тингловчиларга замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ўқитиши методлари, янги ахборот-коммуникация технологиялари, ҳақидаги назарий ва амалий билимлар бериш, уларнинг касбий-педагогик малака ва кўникмаларини шакллантиришдан иборат.

“Спортда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш” модулининг вазифалари:

- мультимедиа тушунчаси, мультимедиа воситалари, мультимедианинг дастурий таъминоти ва маҳсулотлари, ахборот технологиялари, компьютер техникаси ва унинг қурилмалари тўғрисида билимлар бериш;
- таълимда мультимедиа тизимларини қўллаш назарияси ва услубиётига оид касбий-педагогик билим, малака ва кўникмаларни мукаммал ўзлаштириш;
- олий таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган педагогик кадрлар касбий-педагогик маҳоратини такомиллаштириш;
- электрон таълим ресурсларига хос техник-тактик ҳаракатларга ўргатиш, машғулотларни режалаштириш ва ўтказиш, спортчиларнинг тайёргарлик ҳолатларини мультимедиа воситалари ёрдамида назорат қилиш;
- масофавий ўқитиши ва уни ташкил қилиш усуллари, масофавий таълим жараёнини яратиш босқичлари, масофавий курслар яратишнинг концептуал асослари, масофавий ўқитиши тизими учун электрон таълим ресурсларини яратиш технологияси, очиқ таълим тушунчаси, LMS тизимлар таҳлили, Moodle платформаси асосида ўкув жараёнини ташкиллаштириш каби билим ва кўникмаларни ҳосил қилиш;
- спортчилар тайёрлаш жараёнини масофавий равишда бошқариш, мусобақаларни электрон воситалар ёрдамида назоратини ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича илмий-педагогик билимлар беришдан иборат.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Спортда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- компьютер техникаси ва унинг асосий ҳамда қўшимча курилмаларидан, компьютернинг дастурий таъминотидан фойдаланиш;
- мультимедиа воситаларининг умумий асослари;
- мультимедиа воситаларининг ривожланиш босқичлари;
- электрон таълим ресурсларидан самарали фойдаланиш;
- масофали ўқитишнинг воситалари, тамойиллари ва услублари;
- Moodle тизими бўйича машғулотларнинг мазмуни, шакли ва уларни ташкиллаштириш қонуниятлари;
- электрон таълим ресурларидан фойдаланган ҳолда машғулотларни олиб бориш асослари;
- оммавий очиқ курслар ҳақида **билимларга** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- таълимни ташкил этиш принциплари, таълим методларининг турлари, таълимни ташкил этиш шакллари, таълим жараёнида қўлланиладиган ўқитиш воситалари, ўқитиш жараёнида ишлатиладиган техник-дастурий воситаларнинг турлари, таълим жараёнида интернет тизимини қўллаш;
- машғулотларни мультимедиа воситалари ёрдамида ташкил қилиш ва ўтказиш;
- электрон таълим ресурслари орқали жисмоний сифатларни ривожлантириш;
- тақдимотлар тузиш ва улардан фойдаланиш;
- мультимедиадан фойдаланиб уюштириладиган машғулотларнинг мазмуни, шакли ва уларнинг тузилиш қонуниятлари;
- Moodle тизимида ишлаш ва уни бошқариш;
- тайёргарликнинг жисмоний, техник, тактик, психологик ва функционал турларида мультимедиа воситаларини қўллаш;
- жисмоний тарбия соҳасини урганишда мультимедиа ва масофавий таълим техникасидан фойдаланиш каби **кўникмаларни** эгаллаши зарур.

Тингловчи:

- мутахассислик фанлари бўйича машғулотларни ташкил этишда мультимедиа воситаларидан кенг фойдаланиш, масофавий таълим

тизимлари имкониятларидан, интернет тармоғида мавжуд электрон ахборот ресурсларидан фойдалана олиш, очиқ онлайн курсларидан фойдалана олиш;

- жисмоний тарбия соҳасини ўргатишида мультимедиа воситалари орқали хато ва камчиликларни баҳолаш;

- жисмоний тарбия соҳасига хос техник-тактик ҳаракатларни электрон таълим ресурсларидан фойдаланган ҳолда такомиллаштириш;

- машғулотларни мультимедиа тизимлари ёрдамида режалаштириш ва ўтказиш, спортчиларни тайёргарлик ҳолатларини назорат қилиш каби **малакаларни** эгаллаши зарур.

Тингловчи:

- жисмоний тарбия соҳасини ўргатишида мультимедиавий педагогик принципларга риоя қилиш;

- жисмоний тарбия соҳаси бўйича машқларни ўргатиш кетма-кетлигига мультимедиа воситалардан фойдаланиш;

- мультимедиа воситаларидан фойдаланишида шуғулланувчилар ёши жинси ва тайёргарлигига асосланиши;

- жисмоний тарбия соҳасига хос мультимедиавий усуллар орқали жисмоний сифатларни ривожлантириш;

- жисмоний тарбия соҳасининг замонавий интерактив-мультимедиа усуллари асосида ўргатиш каби **компетенцияларни** эгаллаши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Спортда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий усуллари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий дастурий таъминот ва компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- амалий машғулотларда анъанавий ўқитиш (ўргатиш) услубларидан ташқари қуидаги инновацион педагогик технологиялардан кенг фойдаланилади: муаммоли саволлар қўйиш ва вазиятли вазифаларни тўғри ечиш йўлларини излаб топиш; “ақлий ҳужум”; “экспресс тест-савол ва жавоб”; “ташкilotчилик, тадбиркорлик ва турли ролларни ижро этиш” ўйинлари; “кейс-стади – муайян вазиятни танлаш ва ушбу вазиятдан чиқишга ўргатиш”; ўқув видеофильмларини намойиш этиш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Спортда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш” модулининг мазмуни ўқув режадаги “Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш”, “Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик” ва “Жисмоний маданият соҳасида илғор хорижий тажрибалар” каби ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини ортиришга хизмат қиласди.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Хозирги вақтга келиб, Олий таълимда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янги турдаги ўқув жараёнларини ташкиллаштиришда, айнан ушбу ўқув модули катта аҳамиятга эгадир. Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим муассасаларида жисмоний тарбия ва спорт бўйича машғулотлар, мусобақаларни ташкил қилиш ва ўтказиш, уларни янада оммавийлаштириш, малакали спорт заҳиралари ва маҳоратли спортчилар тайёрлаш самарадорлигини оширишга эришадилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					Мустақил таълим	
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси		Жумладан			
			Жами	Назарий	Амалий машғулот			
1.	Жисмоний тарбияда фойдаланилайдиган замонавий ахборот-коммуникация технологиялари.	2	2	2				
2.	Компьютерда амалий дастурларда ишлаш асослари. Электрон жадвалдан фойдаланиш.	2	2			2		
3.	Жисмоний тарбия ва спортда мультимедиали тақдимот яратиш технологиялари.	2	2			2		
Жами:		6	6	2	4			

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Жисмоний тарбияда фойдаланилайдиган замонавий ахборот-коммуникация технологиялари.

Жисмоний тарбияда ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни. Замонавий АКТ: мультимедиа тизимлари ва технологиялари, 3D технологиилар ва улардан жисмоний тарбияда фойдаланиш. Электрон ахборот таълим ресурслари яратиш технологиялари.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот:

Компьютерда амалий дастурларда ишлаш асослари. Электрон жадвалдан фойдаланиш.

Жисмоний тарбия ва спортга оид масалаларни ҳал қилишда электрон жадвалнинг асосий хусусиятлари ва имкониятларидан фойдаланиш. Жисмоний тарбия ва спорт фаолиятидаги ўлчаш маълумотларни статистик таҳлил қилишда электрон жадваллардан фойдаланиш. Маълумотларни график тасвирлаш.

2-амалий машғулот:

Жисмоний тарбия ва спортда мултимедиали тақдимот яратиш технологиялари.

Жисмоний тарбияда мултимедиали тақдимот яратиш. Жисмоний тарбия ва спорт мураббийлиги фаолиятида электрон тақдимотдан фойдаланиш. Машғулот жараёнини электрон тақдимот орқали ифода этиш.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитишиш шаклларидан фойдаланилади:

- кичик маъруза ва сұхбатлар (дикқатни жамлашни шакллантиради, маълумотларни қабул қилиш, билишга бўлган қизиқишини ривожлантиради);
- дидактик ва ролли ўйинлар, айланма столи, (тақдим этилган қоидалар асосида ҳаракат қилишни, ҳамкорлик қилишни, эшитиш ва тинглашни, мантиқий хуносалар чиқаришни ўргатади);
- диспут ва дискуссиялар (аргумент ва исботларни келтиришни ривожлантириш, эшитиш ва тинглашни билиш);
- виртуал маъруза ва амалий машғулотлар ташкил қилиш;
- онлайн машғулотлар ўтказиш;
- тренинг элементлари (ижобий муносабатни ривожлантиради, эмоционал турғунлик).

БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

№	Баҳолаш турлари	Максимал балл	Баллар
1	Кейс топшириқлари		1.2 балл
2	Мустақил иш топшириқлари	2.5	0.5 балл
3	Амалий топшириқлар		0.8 балл

ШБҮЛИМ

МОДУЛНИ
ЎҚИТИШДА
ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН
ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ
МЕТОДЛАРИ

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Жисмоний тарбияда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш

«Блум кубиги» методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда жисмоний тарбияда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишда билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун “Очиқ” саволлар тузиш ва уларга жавоб топиш машқи вазифасини белгилайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

1. Ушбу методни қўллаш учун, оддий куб керак бўлади.
Кубнинг ҳар бир томонида қўйидаги сўзлар ёзилади:
 - Санаб беринг, таъриф беринг (оддий савол)
 - Нима учун (сабаб-оқибатни аниқлаштировчи савол)
 - Тушинтириб беринг (муаммони ҳар томонлама қараш саволи)
 - Таклиф беринг (амалиёт билан боғлиқ савол)
 - Мисол келтиринг (ижодкорликни ривожлантировчи савол)
 - Фикр беринг (таҳлил қилиш ва баҳолаш саволи)
2. Ўқитувчи мавзуни белгилаб беради.
3. Ўқитувчи кубикни столга ташлайди. Қайси сўз чиқса, унга тегишли саволни беради.

“KWHL” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда жисмоний тарбияда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун мавзу бўйича қўйидаги жадвалда берилган саволларга жавоб топиш машқи вазифасини белгилайди.

Изоҳ. KWHL:

Know – нималарни биламан?

Want – нимани билишини хоҳлайман?

How - қандай билиб олсан бўлади?

Learn - нимани ўрганиб олдим?

“KWHL” методи	
1. Нималарни биламан: -	2. Нималарни билишини хоҳлайман, нималарни билишим керак: -
3. Қандай қилиб билиб ва топиб оламан: -	4. Нималарни билиб олдим: -

“W1H” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда Жисмоний тарбияда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишда билимларни тизимлаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун мавзу бўйича қўйидаги жадвалда берилган олтита саволларга жавоб топиш машқи вазифасини белгилайди.

What?	Нима? (таърифи, мазмуни, нима учун ишлатилади)	
Where?	Қаерда (жойлашган, қаердан олиш мукин)?	
What kind?	Қандай? (параметрлари, турлари мавжуд)	
When?	Қачон? (ишлатилади)	
Why?	Нима учун? (ишлатилади)	
How?	Қандай қилиб? (яратилади, сақланади, тўлдирилади, таҳирлаш мумкин)	

«ФСМУ» методи.

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий холосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, холосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўнимкамларини шакллантиришга хизмат қиласи. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳдил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна:

Фикр: “Мультимедиа – матн, овоз, графика ва видео ахборотларнинг уйғунликдаги кўринишидир”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

Вени Диаграммаси методи.

Методнинг мақсади: бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасаввурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиши, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.


Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштирилаладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг

ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиши тақлиф этилади;

- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гурух аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшлилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

Намуна: Мультимедиа маҳсулотларини, яъни овоз эфектларини эшлиши турлари бўйича



“SWOT-таҳлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларини топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласди.



Намуна: Масофадан ўқитиш тизими учун Moodle платформасининг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Масофадан ўқитиш тизими учун Moodle платформасидан фойдаланишнинг кучли томонлари	Open source (очиқ кодли), фойдаланувчилар сонининг кўплиги...
W	Масофадан ўқитиш тизими учун Moodle платформасидан фойдаланишнинг кучсиз томонлари	Платформанинг виртуал машина орқали ишлаши...
O	Масофадан ўқитиш тизими учун Moodle платформасидан фойдаланишнинг имкониятлари (ички)	Beautiful UI (чиройли интерфейс)
T	Тўсиқлар (ташки)	Маълумотлар хавфсизлигининг тўлақонли таъминланмаганлиги...

“Ассесмент” методи.

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчилярнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчилярнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади¹.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент”лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги

¹ Burns M. Distance Education for Teacher Training: Modes, Models, and Methods. – Washington: Education Development Center, 2011. – 338

маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топширикларни киритиш мумкин.

Намуна. Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.

<p>ТЕСТ</p> <p>1. Ўқитиш бу ...</p> <p>A. ўқитиш методикаси ҳақидаги фан B. маълум бир мақсадга йўналтирилган тизимли билим ва кўникмалар билан қуролланган жараён C. катта ёшлилар таълим-тарбияси билан шуғулланувчи соҳа</p> <p>2. Пассив ўқитиш моделига хос ҳолатлар ...</p> <p>A. дарс авторитар ўқитиш стилидан фаол демократик стилига ўтади B. ўқитиш технологиясининг марказида – талаба C. ўқитишнинг моҳияти – билимни бир томонлама узатишдан иборат</p>	<p>Блиц-топшириқ</p> <p>Инновацион жараён босқичларини тўғри кетма-кетликда жойлаштиринг:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Янги ғоя туғилиши. 2. Янгиликнинг қўлланиш доирасини қисқартириш. 3. Яратилган янгиликни амалда қўллай билиш. 4. Муайян соҳада янгиликнинг ҳукмронлик қилиши. 5. Ихтиро қилиш, яъни янгилик яратиш. 6. Янгиликни ёйиш, уни кенг татбиқ этиш.
<p>Тушунчалар таҳлили</p> <p>Масофавий таълим ...</p>	<p>АМАЛИЙ КЎНИКМА</p> <p>Таълим мазмунини белгиловчи меъёрий ҳужжатларга мисол келтиринг?</p>

“Тушунчалар таҳлили” методи.

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустакил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;

- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гурӯҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Activity		
LMS		
CMS		
3D		
Moodle		
Animation		
Service		

Изоҳ: Иккинчи ва учинчи устунчаларга қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

Веер методи.

Методнинг мақсади: бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеристидаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий

фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, химоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурӯҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлил қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурӯҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурӯҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни



ҳар бир гурӯҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз муроҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гурӯҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзу якунланади.

Намуна:

Спортчиларга қандай ахборот ташувчи оптимал?					
CD/DVD		USB-Flesh		USB-Hard	
+	-	-	+	-	-
	-	+		+	
	-	+			-
+		+			-
	-	+		+	
	-	+		+	
+		+			-
	-	+		+	
3 / 5		7 / 1		4 / 4	

ШІ БҮЛІМ

НАЗАРИЙ
МАТЕРИАЛЛАР

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: Жисмоний тарбияда фойдаланилайдиган замонавий ахборот-коммуникация технологиялари.

Режа:

1. Жисмоний тарбияда ахборот-коммуникация технологиялариннг ўрни.
2. Замонавий АКТ: мультимедиа тизимлари ва технологиялари, 3D технологиялар ва улардан жисмоний тарбияда фойдаланиш.
3. Электрон ахборот таълим ресурслари яратиш технологиялари.

Таянч иборалар: мультимедианинг компонентлари. мультимедианинг бажарилиши шартлари. Мультимедианинг дастурий таъминоти. Мультимедиа компонентларини солиштириши. Сақловчи технологиилар. CD-ROM, CD, DVD, HD DVD, Blu-ray. Мультимедиа файл форматлари. Мультимедиа плейерлари. мультимедианинг қўлланилиши. Видео конференция. Медиа соҳалари. Рақамли аудио. Аудио файллар. Файлларни сақлаши усули. Аудио ва видеони таҳрирлаш. Мультимедиали электрон наширлар (ўқув фильмлари, электрон дарсликлар). 3D технологиилар, виртуал воқеълик тушиунчаси.

1.1. Жисмоний тарбияда ахборот-коммуникация технологиялариннг ўрни.


Инсон ўз сезги органлари орқали атрофда бўлаётган воқеа ва ходисалар тўғрисида ахборот олади. Демак, ахборот бу инсонни сезги органлари орқали уни онгига етиб борувчи сигналдир.

Бунга мисол қилиб, эшитиш, кўриш ва сезишин олиш мукин.

Ахборот манбалари ва истеъмолчиларининг ҳар хиллиги ахборот шаклининг турли кўринишда бўлишига олиб келди. Булар:

- Белгили – турли ишоравий белгилардан иборат ахборотлар. Булар бирор воқеа ҳодисалар ҳақидаги ахборотларни узатишда фойдаланилади.
- Матнли – ҳарф, рақам ва белгилар тўпламидан таркиб топган маълум маънони англатувчи сўзлардан иборат ахборот.
- График – тасвирлардан иборат бўлган тасаввур кўринишидаги ахборотлар.
- Товуш – эшитиш қобилияти орқали қабул қилинадиган гап, мусиқа, турли шовқин эфектлар каби ахборотлар.

□ Видео (лотинча video) – қарайман, кўраяпман маъносини билдириб харакат ва товуш эфектларига эга бўлган ахборотлардир.



1-расм. Ахборот турларига мисоллар

Ахборот атроф-муҳит обьектлари ва ходисалари, уларнинг ўлчамлари, хосиятлари ва ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлардир. Кенг маънода ахборот инсонлар ўртасида маълумотлар айирбошлиш, одамлар ва қурилмалар ўртасида сигналлар айирбошлишни ифода этадиган умуммиллий тушунчадир.

Маълумотларга у ёки бу сабабларга кўра фойдаланилмайдиган, балки фақат сақланадиган ахборотлар сифатида қараш мумкин. Агар бу маълумотлардан бирор нарса тўғрисидаги мавхумликни камайтириш учун фойдаланиш имконияти туғилса, маълумотлар ахборотга айланади. Шунинг учун ахборотни фойдаланиладиган маълумотлар, деб атаса ҳам бўлади².

Ҳозирги пайтда ахборотни қандай тушуниш ҳакида қуйидагича нуқтаи назарлар юзага келган:

Ахборот - иқтисодиётнинг барча тармоқлари истеъмол этувчи заҳира бўлиб, энергетика ёки фойдали қазилмалар заҳиралари каби ахамиятга эга. Жамият ривожлангани сари иқтисодиёт, фан, техника, технология, маданият, санъат, тиббиёт кабиларнинг турли масалалари ҳақидаги мавжуд маълумотлар, ахборот заҳираларидан фойдаланишни ташкил этиш интеллектуал ва иқтисодий ҳаётга тобора кўпроқ таъсир кўрсатмоқда.

Ахборот - фан ва техника ривожланиши натижалари ҳақидаги фан-техника маълумотлари, билимлари йиғиндисидир. Бошқача айтганда, ахборот, мазкур талқинга биноан, фан-техника фаолияти ахборот хизмати тизимининг маълумот маҳсули ва “хомашё”сидир.

² Burns M. Distance Education for Teacher Training: Modes, Models, and Methods. – Washington: Education Development Center, 2011. –6 p.

Ахборот захиралари - алоҳида хужжат ва алоҳида хужжат тўплами, ахборот тизимлари - кутубхона, архив, фонд, маълумотлар банклари, бошқа ахборот тизимларидағи хужжатлар ва хужжатлар тўпламидири.

Ахборотнинг ўлчов бирликлари мавжуд. Ахборотнинг ўлчов бирликлари ахборот ҳажми ва оқимининг катта кичиклигини баҳолаш учун хизмат қилади.

1-жадвал

Ахборотнинг ўлчов бирликлари

Бирлик	Ўқилиши	Киймати
1 байт	байт	8 бит
1 Кбай	килобайт	1024 байт - (2^{10})
1 Мбайт	мегабайт	1024 Кбайт қ1 048 576 байт - (2^{20})
1 Гбайт	гигабайт	1024 Мбайт қ1 073 741 824 байт - (2^{30})
1 Т байт	терабайт	1024 Гбайт қ1 099 511 697 776 байт - (2^{40})
1 Пбайт	петабайт	1024 Тбайт қ1 125 899 978 522 624 байт- (2^{50})
1 Эбайт	эксабайт	1024 Пбайт қ1 152 921 504 606 846 976 байт -(2^{60})
1 Збайт	зетабайт	1024 Эбайт қ1 180 591 620 717 411 303 424 байт -(2^{70})
1 Йбайт	йоттабайт	1024 Збайт қ1 208 925 819 614 629 174 706 176 байт -(2^{80})

1.2. Замонавий АКТ: мультимедиа тизимлари ва технологиялари, 3D технологиялар ва улардан жисмоний тарбияда фойдаланиш.

Мультимедиа тушунчаси кенг маъноли бўлиб, турли соҳа мутахассислари уни қўлланиш мазмунига қараб турлича талқин этишга ҳаракат қиласидилар.

Электроника билан шуғулланувчи мутахассислар ушбу атамани ҳар хил форматдаги матн, графика, анимация, товуш, видео кўринишдаги маълумотлар билан ишлаш имкониятини таъминловчи аппарат воситалари сифатида тушунадилар. Бу CD/DVDROM, товуш картаси, видеокарта, ташқи йигувчилар кабилардан иборат.

Дизайнерлар, аниматорлар, дастурчилар ушбу тушунча орқали биринчи галда фойдаланувчига бир неча йўл билан таъсир кўрсатиш имкониятини берувчи тайёр материални тушунадилар (матн, товуш, анимация).

Мультимедиа тушунчасининг энг умумлашган ҳолати (мультимедиа воситалари) – матн, расмлар, схема, жадвал, диаграмма, фототасвирлар, видео ва аудиофрагментлар ва бошқа ҳар хил маълумотларни рақам

кўринишида ишлаб чиқиш, яратишнинг дастурий-аппарат воситалари тушунилади³.

Бугунги кунда мультимедиа технологиялари инсон фаолиятининг бизнес, таълим, тиббиёт ва бошқа шу сингари турли соҳаларида кўлланилишини кўриш мумкин.

Мультимедиа (multi – көр, media – миҳит) - бу компьютер технологиясининг турли хил физик кўринишига эга бўлган (матн, графика, расм, товуш, анимация, видео ва ҳ.к.) турли хил ташувчиларда (оптик диск, флеш хотира ва ҳ.к.) мавжуд бўлган ахборотдан фойдаланиши билан боғлиқ соҳасидир⁴.

Мультимедиа воситалари - бу аппарат ва дастурлар тўплами бўлиб, у инсонга ўзи учун табиий бўлган жуда турли-туман муҳитларни: товуш, видео, графика, матнлар, анимацияларни ишлатган ҳолда компьютер билан мулоқот қилиш имконини беради.

Мультимедиали технологиянинг энг муҳим хусусияти интерфаоллик – ахборот муҳити ишлашида фойдаланувчига таъсир ўтказа олишга қодирлиги хисобланади.

Компьютер тақдимотлари, маъруза ёки бошқа чиқишлиарда одатда кўргазмали намойиш этиш воситаси сифатида плакатлар, кўлланма, лаборатория тажрибаларидан фойдаланилади. Бу мақсадда диапроекторлар, кодоскоплар, график тасвирларни экранда намойиш этувчи слайдлардан фойдаланилади. Компьютер ва мультимедиали проекторнинг пайдо бўлиши эса маърузачи нутқини товуш, видео ва анимация жўрлигига сифатли ташкил этишнинг барча зарурий жиҳатларини ўзида мужассам қилган кўргазмали материалларни тақдимот сифатида тайёрлаш ва намойиш этишга имкон берди.

Сўнгги йиллар давомида кўплаб мультимедиали дастурий маҳсулотлар яратилди ва яратилмоқда: энциклопедиялар, ўргатувчи дастурлар, компьютер тақдимотлари ва бошқалар⁵.

Мультимедиа маҳсулоти ўзи нима?

Мультимедиа маҳсулоти:

³ Сабирова Д.А. Мультимедийные системы и технологии. Учебное пособие -Т: ТГЭУ, 2012 г.

⁴ Burns M. Distance Education for Teacher Training: Modes, Models, and Methods. – Washington: Education Development Center, 2011. – p. 6.

⁵ Андерсен, Бент Б. Мультимедиа в образовании / Бент Б. Андерсен, Катя ван ден Бринк – М.: Дрофа, 2007. – 224 с

□ Биринчидан – фойдаланувчига албатта интерфаолликни тақдим этадиган, яъни инсон ва компьютер ўртасида командалар ва жавоблар алмашинувини таъминлаб, диалог мухитини яратадиган дастурйи маҳсулот;

□ Иккинчидан, турли видео ва аудио эфектлар ишлатиладиган мухитдир.

Мультимедиа маҳсулоти – маркибида мусиқа тараладиган, видеоклиплар, анимация, расмлар ва слайдлар галереяси, турли маълумотлар базалари ва бошқалар кириши мумкин бўлган интерфаол, компьютерда ишланган маҳсулотdir⁶.

Мультимедиа маҳсулотларини қўйидагиларга бўлиш мумкин:

- энциклопедиялар;
- ўргатувчи дастурлар;
- онгни ривожлантирувчи дастурлар;
- электрон китоблар; - болалар учун дастурлар;
- ўйинлар ва бошқалар.



2-расм. Мультимедиа маҳсулоти таркиби

Сўнгги йилларда мультимедиа маҳсулотлари кенг харидорлар олиши мумкин бўлган даражага келди. Уларнинг ишлатилиши ҳар доим ҳам бир хил эмас. Турли мультимедиа жиҳозларини сотиб олишда қўйидаги кўрсаткичларга аҳамият бериш керак⁷:

- берилаётган материалнинг сифати ва ишончлилиги;
- берилаётган график материалнинг сифати;
- товуш жўрлиги (матн, мусиқий безак ва бошқалар);

⁶ Burns M. Distance Education for Teacher Training: Modes, Models, and Methods. – Washington: Education Development Center, 2011. – p. 7.

⁷ Сабирова Д.А. Мультимедийные системы и технологии. Учебное пособие -Т: ТГЭУ, 2012 г

- видеоматериал мавжудлиги ва уларнинг сифати;
- интерфаоллик имкониятлари (турли йўналишларда кўриш, материални чуқур ўрганиш, чоп этиш имконияти ва бошқалар);
- дўйстона интерфейс.

Куйидаги жадвалда асосий мультимедиа файллари форматлари келтирилган:

2-жадвал

Мультимедиа файллари форматлари

Файл формати	Файл тuri	Кенгайтмаси
Sun Systems sound	Рақамли аудио	.au
Windows sound	Рақамли аудио	.wav
Audio Interchange	Рақамли аудио	.aiff, .aifc
MPEG/MP3 audio	Рақамли аудио	.mpg, .mp3
MIDI audio	Товуш бошқарув командалари	.mid, .midi
RealMedia	Аудио/видео оқим	.ra, .rm, .ram
CompuServe GIF	Графика	.gif
JPEG	Графика	.jpg, .jpeg
TIFF	Графика	.tif, .tiff
Windows bitmap	Графика	.bmp
Macintosh picture	Графика	.pict
Fractal animations	Анимация	.fli, .flc
MPEG video	Видео	.mpg, .mpeg
QuickTime	Видео	.mov, .qt
Microsoft video	Видео	.avi
Digital video (DV формат)	Видео	.dv
Macromedia Shockwave Director	Тақдимот	.scr, .dir
Macromedia Shockwave Flash	Анимация	.swf
Microsoft Excel documents	Электрон жадвал маълумотлари	.xl, .xls
Microsoft Word documents	Форматланган матн	.doc

Бугунги кунда мультимедиа соҳасининг ривожланиши ҳақиқий дунёning соҳта макетини яратиш имконини берди. Бу виртуал воқеълик ёки виртуал борлик деб таърифланадиган тушунчалардир.

Мультимедиа фойдаланувчига фантастик дунёни (виртуал) яратища жуда ажойиб имкониятларни яратиб беради, бунда фойдаланувчи чеккадаги суст кузатувчи ролини бажармасдан, балки у ерда авж олаётган ҳодисаларда фаол иштирок этади; шу билан бирга мулоқот фойдаланувчи учун одатланган тилда биринчи навбатда товушли ва видеообразлар тилида бўлиб ўтади.

Виртуал воқеълик тушунчасини Jaron Lanier (Ланье) таклиф этган. Виртуал воқеълик иммерсивлик ва интерфаоллик тушунчалари билан боғлиқ. Иммерсивлик деганда одамнинг виртуал ҳақиқийлиқда ўзини фараз қилишини тушуниш лозим. Интерфаоллик фойдаланувчи реал вақтда виртуал ҳақиқийлиқдаги объектлар билан ўзаро мулоқотда бўлиб уларга таъсир кўрсатишга эга бўлади.

Виртуал воқеълик тизими деганда – биз имитацион мухитни яратадиган дастурий ва техник воситалар мажмуасини тушунамиз. Интерфаолликни таъминлаш учун, виртуал тизим бошқарувчи амалларни қабул қилиши керак. Бу амаллар кўпмодалликга, яъни кўз билан кўрадиган, товуш орқали қабул қиласидиган бўлиши керак. Бу амалларни амалиётда бажариш учун замонавий тизимларда турли товуш ва видеотехнологиялардан фойдаланилади⁸. Масалан, катта хажмли товуш ва видеотизимлари, шунингдек одамнинг бош қисмига ўрнатиладиган шлем ва кўзойнак дисплейлар, “хид сезадиган” сичқончалар, бошқарувчи қўлқоплар, кибернетик нимчалар симсиз интерфейс биргалигида ишлатилади.

Виртуал борлиқ турлари:

- Пассив виртуал борлиқ (passive virtual reality) — инсон томонидан бошқарилмайдиган автоном график тасвири товуш билан кузатилиши;
- Текширилувчи виртуал борлиқ чегараланган миқдорда фойдаланувчига тақдим қилинадиган сценарий, тасвир, товушни танлаш имконининг борлиги;
- Интерфаол виртуал борлиқ трекинг вазифасини бажара оладиган маҳсус қурилма ёрдамида яратилган дунё қонунлари асосида виртуал мухитни фойдаланувчи ўзи бошқара олишидир;
- Трекинг виртуал мухитдаги реал объектнинг жойлашиши координаталарини (x, y, z) ва уни фазода жойлашиши бурчакларини (a, b, g) беришга мўлжалланган⁹.

Мультимедиа тизимларининг таркиби, тузилиши, техник ва дастурий воситалари.

Мультимедиа технологиялари асосан икки таркибий қисмдан иборат: аппарат ва дастурий воситалар (3 – расм).

Мультимедианинг аппарат қисми стандарт компьютер воситаларидан – монитор, киритиш – чиқариш воситаларидан, товуш карталари, DVD ва

⁸ Topi H., Tucker A. Computing Handbook: Information Systems and Information technology. USA: Chapman and Hall/CRC, 2014. – 54.

⁹ Burns M. Distance Education for Teacher Training: Modes, Models, and Methods. – Washington: Education Development Center, 2011. – p. 11-13.

шунингдек, видеокарта, TV тюнерлар, CD-RW, DVD-RW туридаги жамловчилардан ҳамда проектор, электрон доскалар кабилардан ташкил топгандир.

Мультимедиа тизимининг дастурий муҳитини ҳам иккига бўлиш мумкин: амалий ва ихтисослаштирилган.

Амалий дастурлар – фойдаланилаётган ёки лойиҳалаштирилган амалий дастурлар.

Ихтисослаштирилган дастурлар – бу дастур тўпламига мультимедиа иловаларини яратувчи дастурий воситалар киради. Бу тоифадаги дастурларга график мухаррир, видеотасвир мухаррири, товушли ахборотни хосил қилиш ва мухаррирлаш воситалари киради.

Мультимедиа технология воситалари

Аппарат воситалар	Дастурий воситалар
Товуш карталари	Мультимедиа иловалари:
Видео карталар	<ul style="list-style-type: none"> • Энциклопедиалар;
ТВ тюнерлар	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитишнинг интерактив курслари;
График акселераторлар	<ul style="list-style-type: none"> • Ўйинлар; • Ахборотлар
	Мультимедиа иловаларни яратиш воситалари:
	<ul style="list-style-type: none"> • видеотасвир мухаррири; • график мухаррир; • товуш файллар мухаррири; • гиперматн ва шу кабилар билан ишлаш дастурлари

3-расм. Мультимедиа тизимининг асосий воситалари

Мультимедиа тизимларни ташкил этиш учун фойдаланилаётган компьютернинг ҳисоблаш қувватини оширишгина етарли эмас, бунинг учун қўшимча қўллаб-қувватловчи аппарат: аналогли-рақамли ва рақамли-аналогли ўзгартиргич видеопроцессорлар, декодерлар, файлларни сиқиши учун маҳсус интеграл схемалар ва бошқалар зарур.

Куйида мультимедиа компьютер ва унинг асосий ҳамда қўшимча курилмалари таърифлари билан танишиб чиқамиз.

Мультимедиа компьютер – бу мультимедиа технологиясининг амалга ошириш учун маҳсус аппарат ва дастурий воситалар билан таъминланган шахсий компьютердир¹⁰.

Шахсий компьютерлар қуйидаги қурилмалардан ташкил топган:

- тизимли блок;
- монитор;
- клавиатура;
- сичқонча;
- ташқи қурилмалар.



4-расм. Мультимедиа - компьютер

Тизимли блок - одатда икки хил яъни, desktop (яssi) ёки town (минора) кўринишларида ишлаб чиқарилади. Компьютернинг асосий қисмлари система блокида жойлашган бўлиб, улар қуйидагилардир:

- тезкор хотира (RAM-Random Access Memory-ихтиёрий кириш мумкин бўлган)
- микропроцессор,
- қурилмалар назоратчилари, (яъни контроллерлар, адаптерлар, электр манбай билан таминаш блоки),
- қаттиқ диск қурилмаси (HDD-Hard Disk driver),
- фақат ўқиш учун мўлжалланган лазер диск қурилмаси (CDROM-Compact Disk Read Only Memory) ҳамда лазер дискка ёзиш қурилмаси (CDWriter),
- шиналар,
- модем ва бошқа қурилмалар.

Мониторлар (дисплейлар) - матнли ва графикили (чизмали) ахборотларни экранга чиқаради.

Хозирги вақтда қуйидаги монитор турлари мавжуд:

1. Электрон-нурли трубка асосида.
2. Суюқ кристалли мониторлар.
3. Плазмали мониторлар.

¹⁰ Burns M. Distance Education for Teacher Training: Modes, Models, and Methods. – Washington: Education Development Center, 2011. – p. 13.

Клавиатура - ахборотларни шахсий компьютерга киритиш учун мўлжалланган. Клавиатура фойдаланувчи томонидан алфавитли ва рақамли ахборотларни шахсий компьютерга киритувчи асосий мослама ҳисобланади.

Принтер - шахсий компьютердаги мавжуд матнли ахборотни, расмлар ва графикларни бир хил (қора) ёки рангли тасвирда чоп этиб чиқаради.

Принтерларнинг уч хил тури мавжуд:

- матрицали принтерлар
- пурковчи принтерлар
- лазерли принтерлар.

Модем — компьютер маълумотларини узок масофага телефон каналлари орқали узатиш учун мўлжалланган қурилма.

Модем компьютер рақамли сигналларини товуш диапазони частотасидаги ўзгарувчи токка ўтказади (бу жараён модуляция деб аталади) ва тескари жараённи бажаради (бу жараён демодуляция деб аталади). Бу ердан қурилма номи олинган: модем — модулятор/демодулятор.


Бошқача айтганда: **Модем**- модуляция, демодуляция сўзларидан олинган бўлиб, узлуксиз сигналларни рақамли (модуляция) ва рақамли маълумотларни узлуксиз (демодуляция) сигналга алмаштириб берадиган қурилмадир. Модем ички ва ташқи бўлиши мумкин.

Сичқонча - маълумот киритиш қурилмаси бўлиб, бирор текислик бўйлаб юргизилганда остидаги лазер нури ҳаракат ҳақидаги маълумотни компьютерга узатади ва экрандаги курсор мос йўналишларда ҳаракатланади.

Микрофон ва карнай. Микрофон - турли хил овозли анимация ва презентациялар тайёрлаш учун ишлатилади. Бундай анимацияларга мисол қилиб Windows системасида ёки MSWord матн муҳарририда ишлаш жараёнини олишимиз мумкин. Бунда анимациялар шу жараёнларда ишлаш бўйича тўлиқ овозли тарзда тайёрланади. Ана шу овозларни эшитиш учун карнай (колонка) дан фойдаланилади. Карнайнинг асосий вазифаси овоз (музиқа, овоз ва бошқалар)ни чиқариб беришдан иборат.

Вебкамера - компьютерлараро видеотасвирларни узатувчи қурилмадир. Бу асосан халқаро Интернет тармоғи билан биргаликда ишлатилади. Вебкамерадан фойдаланганингизда сиз дунёнинг исталган бир бурчагидаги танишларингизни қўриш имконига эга бўласиз.

Интернетда скайп тизимидан фойдаланганда вебкамера қўлланилади. Бунда видео қўнгироқларни, конференс алоқаларни амалга ошириш мумкин.



5-расм. Скайп тизимида вебкамера орқали мулокот

Сканер - бу маълумотларни қофозли хужжатдан бевосита шахсий компьютерга киритиш қурилмасидир. Матнлар, схемалар, расмлар, графиклар, фотографиялар ва бошқа график ахборотларни киритиш мумкин. Сканер нусха кўчириш аппаратига ўхшаб, қофозли хужжатнинг тасвири нусхасини қофозда эмас, балки электрон кўринишида яратади — тасвирнинг электрон нусхаси яратилади¹¹.



6-расм. Мультимедианинг техник воситалари

¹¹ Topi H., Tucker A. Computing Handbook: Information Systems and Information technology. USA: Chapman and Hall.CRC, 2014. – 145

Плоттер (ингл. plotter – график принтер) — катта ҳажмдаги чизмаларни чоп қилишга мүлжалланган қурилма. Чизмаларни тушланган перо ёрдамида ҳосил қиласи. Плоттер ёрдамида ўлчами 300 x 300 см бўлган чизмаларни ҳам чоп этиш мумкин. Роликли плоттерлар қофозни перо остида, планшетли плоттерлар эса перони қофоз устида характлантиради.

Мультимедиа иловалари турлари ва уларни яратиш босқичлари.

Сифатли мультимедиа иловалари ишлаб чиқишга йўналтирилган турли-туман, бир-бираидан фарқли технологик усуллар мавжуд. Ушбу иловаларни яратиш ва улардан фойдаланишда бир қатор асосий технологик тавсияларга амал қилиш керак.

Мультимедиа иловаларини яратиш учун асос сифатида материални элементларга бўлиш ва иерархия тарзида кўргазмали равишда тақдим этишга асосланган ҳолда тизимлаштириш усулини ўзида мужассам этган материални қамраб олиш моделини олиш мумкин.

Мультимедиа иловасини лойиҳалашнинг бошланғич босқичида материални қамраб олиш модели қўйидагиларга имкон беради:

- материал мазмунини аниқ белгилаш;
- мазмунни кўргазмали, аниқ ва очиқ тарзда тақдим этиш;
- мультимедиа илова компонентлари таркибини аниқлаш.

Мультимедиа иловалари қўйидагиларга бўлинади:

- презентациялар;
- анимацион роликлар;
- ўйинлар;
- видеоиловалар;
- мультимидали галереялар;
- аудиоиловалар;
- веб учун иловалар¹².

Қўйида мультимедиа иловалари ҳақида асосий тушунчалар тўғрисида маълумот берилган:

Тақдимот/презентациялар (инг. presentation) – аудиовизуал воситалардан фойдаланиб кўргазмали шаклда маълумот тақдим этиш шакли. Тақдимот ягона манбага умумлашган компьютер анимацияси, графика, видео, мусиқа ва товушни ўзида мужассам этади. Одатда тақдимот

¹² Burns M. Distance Education for Teacher Training: Modes, Models, and Methods. – Washington: Education Development Center, 2011. – p. 18.

маълумотни қулай қабул қилиш учун сюжет, сценарий ва структурага эга бўлади.

Анимацион роликлар. Анимация – мультимедиали технология; тасвирнинг ҳаракатланаётганлигини ифодалаш учун тасвирларнинг кетмакет намойиши. Тасвир ҳаракатини тасвирилаш эфекти секундига 16 та кадрдан ортиқ видеокадрларнинг алмашинишида ҳосил бўлади.

Ўйинлар. Ўйин дам олиш, кўнгил очиш эҳтиёжларини қондириш, организмдаги зўриқишини йўқотиш ҳамда маълум малака ва қўникмаларни ривожлантиришга йўналтирилган мультимедиа иловалариданdir.

Видеоиловалар – ҳаракатланувчи тасвирлар ишлаб чиқиши технологияси ва намойиши.

Видео тасвирларни ўқиши қурилмалари – видеофильмларни бошқарувчи дастурлар.

Мультимедиа-галереялар – товуш жўрлигидаги ҳаракатланувчи суратлар тўплами.

Аудиоиловалар - рақамли товушлар билан ишловчи дастурлар. Рақамли товуш – бу электрик сигнал амплитудасининг дискрет сонлар билан ифодаланиши.

Веб учун иловалар – бу алоҳида веб-саҳифалар, унинг таркибий қисмлари (меню, навигация в.б.), маълумот узатиш учун иловалар, кўп каналли иловалар, чатлар ва бошқалар.

Мультимедиа иловалари яратиш технологиясини ўрганишда уларнинг қандай яратилишини ифодаловчи сценарий ишлаб чиқилади. Бундан келиб чиқиб, ҳар бир мультимедиа иловаси турли таркибий қисмлар (турли мавзулар)дан ташкил топади, деган мантиқий хуносага келишимиз мумкин.

Мультимедиа иловалари таркибини қўйидаги қисмларга бўлиш мумкин:

- яратилаётган мультимедиа иловаси учун мавзу танлаш, иш майдонини белгилаш (масштаб ва фон),
- кадрлар, қатламлардан фойдаланиш,
- турли шакллар символларини яратиш,
- дастурлаш тилида ўзгарувчилар киритиш ва скриптлар ёзиш,
- товушли файллар билан ишлаш,
- матн қўшиш,
- эфектлар яратиш,
- расмлардан фойдаланиш ва импорт қилиш,
- кутубхонадаги тайёр компонентлардан фойдаланиш,
- навигацияни яратиш,

□ матн разметкаси тиллари ва скриптлаш тилларидан фойдаланиш¹³.

Мультимедиа иловаларини ишлаб чиқиш бир неча босқичда амалга оширилади, улардан асосийлари қуйидагилар:

1. Режалаштириш.
2. Элементларни ишлаб чиқиш.
3. Дастурый таъминот.
4. Текшириш.
5. Эълон қилиш.
6. Реклама.
7. Кузатув.

Ушбу босқичларда бажариладиган ишларни кўриб чиқамиз.

Режалаштириш. Режалаштириш босқичида қуйидаги саволларга жавоб топилиши керак:

1. Мультимедиа иловаси нима учун мўлжалланган?
2. Мультимедиа иловаси қайси аудиторияга йўналтирилган?
3. Мультимедиа иловасига қандай маълумот жойлаштирилади?
4. Аудитория (фойдаланувчилар) билан қайта алоқа қай тартибда амалга оширилади?

Элементларни ишлаб чиқиш. Ушбу босқичда мультимедиа иловасини дастурый маҳсулот сифатида амалга ошириш ишлари бажарилади. Улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Навигация тизимини ишлаб чиқиш.
2. Тақдимот учун веб сайт ёки слайдларнинг дизайнини ишлаб чиқиш (мультимедиа иловаларини жорий этишининг ҳар икки ҳолати учун ҳам кейинги ўринларда “саҳифа” деб юритилади).
3. Саҳифаларни тўлдириш учун матн ва кўргазмали материалларни тайёрлаш (жадваллар, графиклар, расмлар ва бошқалар).

Дастурый таъминот. Ушбу босқич мультимедиа иловаси саҳифаларини яратишни ўз ичига олади.

Текшириш. Мультимедиа иловасини яратишнинг асосий босқичларидан бири уни текшириш ҳисобланади. Текшириш жараёнида мультимедиа иловасининг тўғри ишлаши текширилади, жумладан:

- Гипермурожаатларнинг тўғри ишлаши.
- Матн ва кўргазмали материалларда хатоларнинг мавжуд эмаслиги.
- Мультимедиа иловаси саҳифалари бўйлаб навигациянинг кулагайлиги.

¹³ Burns M. Distance Education for Teacher Training: Modes, Models, and Methods. – Washington: Education Development Center, 2011. – p. 19.

- Почта ва бошқа шаклларнинг тўғри ишлаши (веб сайт учун).
- График файлларни юклашнинг тўғрилиги (веб сайт учун).
- Сайтнинг турли браузерларда тўғри ишлаши (веб сайт учун).

Мультимедиа иловаси рекламаси (Веб-сайт учун).

Веб-жамият янги эълон қилинган мультимедиа иловаси ҳақида билиши учун сайт адреси ва веб-сайтга жойлаштирилган материаллар ҳақида аннотация орқали хабардор қилиш керак.

Кузатиб бориш (Веб-сайт учун).

Веб-сайтга мурожаатлар унинг нашр этилиши ва рекламасидан сўнг сезиларли даражада унга жойлаштирилган маълумотларнинг фойдалилиги, янгилиги ва актуаллиги билан белгиланади. Веб-сайт имиджини сақлаб туриш учун ундаги маълумотларни доимий янгилаб бориш тавсия этилади.

3D технологиялар

Мультимедиа воситалари аппарат ва дастурлар тўплами бўлиб, у инсонга ўзи учун табиий бўлган жуда турли-туман муҳитларни: товуш, видео, графика, матнлар, анимацияларни ишлатган ҳолда компьютер билан мулоқот қилиш имконини беради.

Мультимедиа соҳасида 3D технологияларнинг кириб келиши бу соҳада янги даврни бошлаб берди.

“D” атамаси инглизча “dimensions” сўзидан олинган бўлиб, “ўлчамлар” маъносини беради. Таъкидлаш жоизки, 3D технологияси тасвирни визуал ва товушли узатиб беришнинг дунёдаги энг илғор усулидир¹⁴.

3D принтерлар - уч ўлчамли чизмалар асосида нарса-буюмлар "чоп этувчи" принтерлардир. Ҳозирча бу каби ишланмалар тор доирада амалга оширилаётган бўлса, яқин келажакда бемалол уй шароитида 3D-принтердан масалан бир жуфт кроссовка, кийим ёки рўзғор буюми чиқариб олишнинг имкони бўлади.

¹⁴ Burns M. Distance Education for Teacher Training: Modes, Models, and Methods. – Washington: Education Development Center, 2011. – p. 21.



7-расм. 3D-принтерлар

Хозирги кунда уч ўлчамли ҳайкаллар, йирик объектларнинг кичрайтирилган моделлари (машиналар, самолётлар, бинолар), шунингдек, турли илмий ишланмалар моделларини ясаш имконияти мавжуд. Мисол учун, Lockheed Martin корпорацияси учувчисиз бошқариладиган "Polecat" самолёти учун жиҳозларнинг катта қисмини тезкор уч ўлчамли босма технологияси асосида чиқармоқда.

Уч ўлчамли чоп этилаётган маҳсулотларнинг нархи пасайишини инобатга олсақ, ушбу технологияга талаб ошмоқда. Бугунги кунда Boeing компанияси ўз самолётларининг 200 дан ортиқ деталларини 3D-чоп этиш технологияси асосида ишлаб чиқмоқда.



8-расм. 3D принтерлар ёрдамида ишлаб чиқилган маҳсулотлар

3D-принтерларда нарса-буюм ясаш концепцияси, бизга яна бир бор "учинчи олам"нинг мўъжизалардан иборат эканлигини кўрсатмоқда.

3D-принтерлар қаторида бугунги кунда жаҳон 3D дисплейлар фаол илгари сурилмоқда.

3D дисплейлар – кўзойнак ёки бошқа қўшимча қурилмаларсиз инсон томонидан ҳажмдор сифатида идрок этилувчи тасвири чиқара олишга қодир қурилмалардир. Улар ёрдамида виртуал воқеъликни яратиш имкони кенгайди.

3D технологиялари реклама амалиётида ҳамда маркетингда ҳам кенг кўулланилмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича 3D технологиялар товар ишлаб чиқаришда ҳам революцияга олиб келади.


Ушбу технологиянинг ривожи янгича даврни бошлаб бермоқда¹⁵.

Жисмоний тарбияда мультимедиа технологиясининг қўлланиш соҳалари

Бугунги кунда мультимедиа технологиялари инсон фаолиятининг бизнес, таълим, тиббиёт ва бошқа шу сингари турли соҳаларида кўлланилишини кўриш мумкин. Ушбу фаолият йўналишларида мультимедиа маҳсулотларини яратиш учун кенг кўламдаги дастурий маҳсулотлар мавжуд. Уларнинг айримлари мультимедианинг алоҳида компонентлари билан ишлашга мўлжалланган.

Умумий олиб қараганда мультимедиа технологияларидан фойдаланувчиларни З турга бўлиш мумкин. Улар: оддий фойдаланувчилар, бизнес соҳасида фойдаланувчилар, турли касб усталари (10-расм).

Мультимедиа тизимлари



¹⁵ Burns M. Distance Education for Teacher Training: Modes, Models, and Methods. – Washington: Education Development Center, 2011. – p. 25.

Оддий фойдаланувчи <ul style="list-style-type: none"> • Ўқитиши дастурлари • Энциклопедиялар • Маълумотномалар • График пакетлар • Мусиқа таҳрирловчилар 	Бизнес иловалар Тақдимотномалар Видеоконференциялар Товушли почта IP телефония	Касб усталариға Компьютер графика воситалари <ul style="list-style-type: none"> • Анимация • Видеофильмлар ишлаб чиқариш • Мусиқа студиялари
--	--	--

9-расм. Замонавай мультимедиа тизимларининг турлари ва таркиби.

Мультимедиа технологияларидан оддий фойдаланувчилар қўйидаги мақсадларда фойдаланадилар:

- Ўқитиши дастурларида – бунда ўқитиши жараёнида турли расмли анимациялар, электрон дарслик, электрон китоб ва электрон ўқув қўлланмалар бўлиши мумкин.
- Энциклопедиялар – бу бирор–бир атамани ёки иловани тушунтиришда турли мультимедиа иловаларини қўллаш.
- Маълумотномалар – берилаётган маълумотни турли шаклда келтириш ва тушинишни осонлаштириш.
- График пакетлар – турли график иловалар устида ишлаш имкониятини берувчи дастурлар.
- Мусиқа таҳрирловчилар – мусиқа файллари устида турли амаллар бажариш.

Бизнес соҳасида, масалан, фирмалар уй-жой сотувида мультимедиа технологияларидан кенг фойдаланадилар. Бу йўналишда сотиладиган уйларнинг каталоглари яратилади, ҳаридор экранда уйни ҳар хил томонларидан кўриши, ундаги ҳамма хоналари бўйлаб интерфаол сайр қилиши, режа ва чизмалари билан танишиши мумкин.

Мультимедиа технологияларидан турли касб усталари қўйидаги мақсадларда фойдаланадилар:

- Компьютер графикаси воситалари – бунда турли дастурлар ва техник таъминотлар орқали ишлаш.
- Анимациялар – Adobe Flash ва 3D Max дастурлари ёрдамида турли анимациялар яратиш.
- Видеофильмларни ишлаб чиқиш - ҳозирда мультимедиа технологиялари телевидения ва киностудияларда фильмларни яратиш жараёнида кенг кўламда қўлланилмоқда. Кино индустриясида ва видео

санъатда мультимедиа тизими муаллифнинг зарурий иш дастгоҳига айланмоқда. Фильм муаллифи бундай компьютер тизимида олдиндан тайёрланган, чизилган, суратга олинган, видео камерада олинган табиат манзараларини жамлаб, керакли кўринишдаги асарни яратади. Режиссёр тасвирга олинган ҳар бир кадрни жуда тез кузата олади, компьютер монтажи аниқлик даражаси юқори ва мулоқат иш тартибида жараённи олиб бориш мумкин. У турли хил видео эфектларни яратади олиши ва тасвирларни ўзгартириш ҳамда қўшиш, олдиндан тайёрланган товуш лавҳаларини кадрга жойлаштириш ва тасвирни товуш билан монандлаштириш ишларини сифатли бажара олади. Компьютер ёрдамида ишлов берилган ёки хосил қилинган тасвирларни татбиқ этиш янги тасвирий техникани хосил бўлишига олиб келади.

- Мусиқа студиялари - мультимедиа технологияларини санъатдаги татбиқига мисол бўлиб мусиқаларини оптик дискларда ёзилишини келтириш мумкин. Дискда ёзилган юқори сифатли мусиқани фақат эшитибгина қолмай у ёки бу композиторни экранда турли партитурларини кўриш, алоҳида мавзу ёки чолғу асбобини танлаб, ажратиб эшитиши мумкин. Агар муаллифи товушларни турлича ўзгартириши, ташқи турли аудио манбалардан товуш тўпламларини жамлаш ва олдиндан йигилган товуш базасидан фойдаланиши ҳамда товуш эфектларини хосил қилувчи дастурларни ишлатиши мумкин.

Мультимедиа технологияларини тиббиётда қўллашнинг кенг имкониятлари мавжуд ва у долзарбdir. Авваламбор бу маълумотлар ва билимлар омборига асосланган тиббиёт эксперт тизимларини яратиш, жарроҳлик ишларини олиб бориш даврида видео ва аудио қурилмалар орқали ёритиши усулларини ишлаб чиқиш, мутахассисларни замонавий жарроҳлик ва даволаш усулларига ўқитиб малакасини оширишда қўллаш. Мультимедиа технологиялари дори-дармон ва доривор ўсимликлар каталогини яратишида шунингдек тиббиёт ўрта таълим талабаларини ўқув жараёнларида (рангли тасвирда ва анимация ҳолатида қон айланиш тизими, мушак ва нафас олиш тизимлари) қўллаш катта самара бериши мумкин.

Мультимедиа технологиясининг татбиқ этиш соҳаларидан асосийси кенг маънода таълимдир: яъни видеоэнциклопедия, интерактив йўналтиргич, тренажерлар, интеллектуал ўйинлар, компьютер ўқитиши тизими ва масофавий таълим йўналишлари. Мультимедиа тизимини нафақат олий ва ўрта таълим тизимда бундан ташқари малакали мутахассислар тайёрлаш марказларида, мактабгача тарбия корхоналарида ҳам муваффақиятли қўллаш мумкин. Мультимедиа қурилмалари ва дастурлари ҳамда интерактив доска билан таъминланган компьютер тизими инсон фаолиятида ва билим

соҳаларида секин аста универсал ўқитиши ёки ахборот воситалари бўлиб қолмоқда. Мультимедиа платаси ўрнатилган шахсий компьютерлар амалда деярли ҳамма соҳа бўйича универсал ўқитувчи ва ахборот воситаларига айланадилар. Бунинг учун шу соҳа бўйича CD – ROMдан ўқиладиган дарслик дисклар бўлиши етарлиқдир.

Мультимедиа технологиялари таълимнинг турли соҳаларида мактаб, лицей, коллеж, институт ва университетларда кенг миқёсда ўз ўрнини эгалламоқда.

Назорат саволлари

1. Мультимедиа тушунчасига таъриф беринг.
2. Мультимедиа маҳсулоти таркибига нималар киради?
3. Мультимедиа воситалари ва дастурларига нималар киради?
4. Мультимедиа технологиясининг асосий ташувчиларига нималар киради?
5. Мультимедиа иловаларини санаб беринг.
6. 3D технологияларнинг ютуқ ва камчиликлари нимада?
7. Мультимедиавий педагогик дастурий воситалар тушунчасига изоҳ беринг?
8. Мультимедиавий педагогик дастурий воситаларни неча қисмга ажратиш мумкин?
9. Мультимедиавий педагогик дастурий воситаларга қўйиладиган методик талабларни кўрсатинг?
10. Интерфаол доскаларда қўлланадиган кандай технологияларни биласиз?
11. Информатика фанида алгоритмлар билан ишлаш имкониятини берадиган мультимедиавий педагогик дастурий восита нима?
12. Медиатаълим ("медиообразование", "media education") нима?
13. "Медиа" тушунчаси нимани англатади?
14. Медиамаданият нима?
15. Информацион маданият нима?
16. Информацион жамият нима?
17. Ўқув-тарбия жараёнида АҚТлар интерфаол мулоқат асосида фойдаланилади деганда нимани эътиборда тутасиз?
18. Ўқув-тарбия жараёнида АҚТлардан қайси тартибда фойдаланиш кўпроқ мақсадга мувофиқ ва нега?
19. Электрон дарслик нима?

-
20. Педагогнинг автоматлаштирилган иш ўрни деганда нимани эътиборда тутасиз?
 21. Ахборот технологияси нима?
 22. Технология сўзининг маъноси нима?
 23. Медиаматн нима?
 24. Медиакомпонент деганда қайси элементлар мажмuinи тушуниш мумкин?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Burns M. Distance Education for Teacher Training: Modes, Models, and Methods. – Washington: Education Development Center, 2011. – 338.
2. Topi H., Tucker A. Computing Handbook: Information Systems and Information technology. USA: Chapman and Hall/CRC, 2014. – 1454.
3. Андерсен, Бент Б. Мультимедиа в образовании / Бент Б. Андерсен, Катя ван ден Бринк – М.: Дрофа, 2007. – 224 с.
4. Сабирова Д.А. Мультимедиа тизимлари ва технологиялари. Ўқув кўлланма -Т: ТДИУ, 2014 й.
5. Андерсен, Бент Б. Мультимедиа в образовании / Бент Б. Андерсен, Катя ван ден Бринк – М.: Дрофа, 2007. – 224 с.

Интернет ресурслари

6. www.lib.sportedu.uz
7. www.inform.ru
8. www.3d news. ru
9. www.tuit.uz
10. www.ziyonet.uz
11. <http://yenka.com>

IV БҮЛІМ

АМАЛИЙ МАШФУЛОТ
МАТЕРИАЛЛАРИ


IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот:

Компьютерда амалий дастурларда ишлаш асослари. Электрон жадвалдан фойдаланиш.

Жисмоний тарбия ва спортга оид масалаларни ҳал қилишда электрон жадвалнинг асосий хусусиятлари ва имкониятларидан фойдаланиш. Маълумотларни визуаллаштиришда диаграммаларни қўллаш. Юкламаларни хисоблаш, таҳлил қилиш ва машғулотни режалаштириш.



Расмда кўрсатилганидек Microsoft Excel дастури қуйидаги қисмлардан иборат:

Дастур менюлари

Ускуналар панели

Ячейкалар


Дастур Сахифалари (Лист1, Лист2 ...)

Бу ерда қар бир дастур менюси ўз ичига мос ускуналар панелини олади. Ўз навбатида ускуналар панели матнга ишлов бериш учун ва қисоб китобларни амалга ошириш учун хизмат қиласи.

Microsoft Excel дастури бир нечта ячейкадан (катақчалардан) ташкил топган. Шунинг учун бу дастур электрон жадвалли дастур деб аталади. қар бир ячейка ўз адресига эга. Масалан A1, A2 E4, E5 P3 ва ҳакозо. Агар биз курсорни бирон бир ячейка устига олиб бориб сичқончанинг чап

тұгмасини бир марта босадиган бўлсак, шу ячейка рамкага олинади яъни дастур шу ячейка билан ишлайди. Бунинг адресини билиш учун қайси устун ва қайси сатрда турганини аниқлаш кифоя. Масалан 2 – расм бўйича кўрсатилган ячейка адреси D5 га тенг.

Ўз навбатида Excel дастурида битта очилган ойнада бир нечта Саҳифалар яратиш мумкин. Булар 2 – расмда кўрсатилган Саҳифалар (Лист)дир. Стандарт ҳолда у ерда 3 та Саҳифа мавжуд бўлиб, қар бир Саҳифа ўзининг ячейкаларига эга. Бу бир вақтнинг ўзида бир нечта вазифани бажариш учун қулайлик тукдиради.



3 а – расм. Саҳифа яратиш

Юқоридаги расмда (За – расм) кўрсатилган тұгмани босадиган бўлсак янги Саҳифа яратилади. Саҳифалар номини ўзгартириш учун “лист1” устига бориб сичқончанинг чап тұгмасини икки марта босамиз ва ўзимиз қоқлаган номни клавиатура орқали киритамиз ва “Ентер” тұгмасини босамиз (З – расм).



3 б – расм. Саҳифа номини ўзгартириш

Масштаб – ишчи ойна масштабини ўзгартириш учун ишлатилади. Бунинг учун мақсадга мувофиқ масштаб майдонидаги + ёки – тұгмалари босилади. Ҳар бир босилганида масштаб ўлчами 10% га ўзгаради.

Усқуналар панели билан танишиши. Ячейкаларга маълумот киритиш ва ишлов бериш

Файл

Главная

Вставка

Разметка страницы

Формулы

Данные

Ретсensирование

Вид

Главная менюси билан ишлаш

Главная (бош) менюси – бу Excel дастури учун қисман асосий меню қисбланиб, бунда ячейкалар формати яни шрифт ўлчамлари, ранги, стили, жойлашган ўрни, киритилган матн қайси форматга тегишилиги, фильтрлаш ва ҳакозолар амалга оширилди. Excel дастури главная менюси қуйидаги қисмлардан иборат:

Буферли алмаштириш (Буфер обмена)

Шрифт

Текислаш (Выравнивание)


Сон формати (Число)

Стил (Стили)

Ячейкалар (Ячейки)


Тахирлаш (Редактирование)

Microsoft Excel дастурида “Буферли алмаштириш” Microsoft Word дастуридагидек бир хил ишлатилади(4 – расм).



4 – расм. Microsoft Excel дастурида
“Буферли алмаштириш” менюси

Шрифт– бўлими ячейкага киритилган матн форматини ўзгартриш учун ва ячейкаларга гранитса бериш учун ишлатилади (5 – расм).



5– расм. Шрифт бўлими менюси

Катак тушунчаси ва у билан ишлаш

Microsoft Excel катаги мураккаб таркибий тузилишга эга.

Microsoft Excel нинг катак модели бешта даражали таркибий тузилишга бўлинади.

Катак моделини биринчи даражали таркиби-катакларда маълумотларни ифодалашдан иборат бўлади. Бу даражада фойдаланувчи монитор экранидасонлар, матн ёки бошқа объектларни кўради.

Катак моделини иккинчи даражали таркиби-катакдаги маълумотларнинг форматидан иборат. Бу даражада катакларнинг форматлаштириш параметрлари сақланади. Катакдаги маълумотларни ўзгартирмасдан туриб, форматлаш параметрлари (катак фонини ранги, шрифтнинг типи ва ўлчами бошқ.) ўзгарилиса катакнинг экранда сақланадиган тасвирлари ўзгаради.

Катак моделини учинчи даражали таркиби-формулани ташкил қиласди. Демак, катакларнинг учинчи даражасида формулалар сақланади. Катакларда формулаларнинг бўлиши, уни жорий иш Сахифасидаги бошқа катаклардаги маълумотларга, ёки бошқа Сахифаларга тегишли катакларга боқлиқлигини келтириб чиқаради.

Катак моделини тўртинчи даражали таркиби - катакларга ном берилишини англатади.


Катак моделини бешинчи даражали таркиби - катакларга изоқ-кўпсатмалар берилишини ифодалайди. Катакларга берилган изоқ –

күпсатмалар, катақдаги маълумотларга бевосита алоқаси ё`к бўлиб, у фойдаланувчига керак бўлган ахборотларни киритиш учун берилади.

Microsoft Excel дастурида матн киритиш қар бир ячейкада алоқида бажарилади. Бунинг учун қоқлаган ячейка устига сичқонча курсорини олиб бориб чап тугмачани бир марта босамиз. Шунда ячейка белгиланади ва дастур шу ячейка билан ишлайди.

	A	B	C	D
1				
2				
3				
4				
5				
6				

Матн киритишида белгиланган ячейка устига икки марта босилади ва курсор пайдо бўлган жойдан матн киритилади. Ёки рамка турган ҳолда қам тўқридан тўқри киритиш мумкин.



Матн киритилгандан кейин навбатдаги ячейкага ўтиш учун “таб” тугмаси босилади ёки матн киритиб бўлгандан кейин “Ентер” тугмаси босилади ва ячейка устида пайдо бўлган рамкани клавиатурадаги стрелкалар билан қаракатлантириш мумкин.

Ячейканининг ўлчамини ўзгартириш мумкин. Бунинг учун устун ёки сатр чегарасига сичқонча курсорини олиб борамиз ва сичқонча чап тугмасини босиб турган ҳолда ячейка ўзлчамини устун ёки сатр бўйича ўзгартирамиз (6 – расм).


C17	B	C	D	E
1				
2				
3	Сатр чегараси			
4		ЎзРЕСЖТ ва СВ ҲЖТСБМИМТҚТМОМ		
5			Устун чегараси	
6				
7				

6 – расм. Ячейка ўлчамин ўзгартириш

Энди ячейкага киритилган матнга шрифт бўлими орқали ишлов бериш мумкин. Бунинг учун ячейка белгиланган (яни рамкага олинган) ҳолда бўлиши керак. Ячейканинг шрифт темасини, ўлчами, фон ранги, матн ранги ва ёзув формати мос равища расмда кўрсатилган тугмалар орқали амалга оширилади. Ячейкаларга гранитса бериш эса қуидагича бўлади:

Ячейкалар белгиланади (сичқонча чап тугмасини босиб турган ҳолда белгилаймиз)

шрифт бўлимидағи “Граница” менюсига кириб гранитса тури танланади



натижа эса қуидагича бўлади

Текислаш (Выравнивание) – ячейка ичидағи матнни ячейка бўйлаб жойлаштириш учун ишлатилади ва мос ҳолда ячейкаларни чегаралаш ва бир бирига қўшиш учун ишлатилади (7 – расм).




7 – расм. Текислаш бўлими менюси

Матнни ячейка бўйлаб жойлаштириш


7 – расмда ажратиб қўрсатилган тугмалар ёрдамида амалга оширилади.

Ориентраш – ячейкадаги матнни бурчак остида ёзиш учун ишлатилади (8 – расм).



8 – расм. Ориентраш менюси

8 – расмда кўрсатилганидек матнни бурчак остида ёзиш учун стандарт тугмалар мавжуд. Масалан “Текст по часовой стрелке”, “Вертикальный текст” ва ҳақозолар. Лекин расмда белгиланиб қўрсатилган “Формат веравнивания ячейки” тугмаси орқали бурчакни ўзимиз беришимиз мумкин (9 – расм).



9 – расм. Ячейка форматини ўзгартириш ойнаси

(Текислаш бўлими)

Ячейкани чегаралаш – ячейкага матн киритилаётганда матн ячейка чегарасидан чиқиб кетиши мумкин. Бунинг учун Текислаш бўлимидаги “Перенос текста” тугмасидан фойдаланамиз. Яъни керакли ячейкалар белгиланади ва “Перенос текста” тугмаси босилади. Бу ҳолда ячейка чегараси матнни автоматик кейинги қаторга тушуриб юбориш имкониятига эга бўлади

Ячейкани бирлаштириш–икки ёки ундан ортиқ ячейкани бирлаштириш учун “Текислаш” бўлимидаги “Объединит и поместит в центре” тугмасидан фойдаланилади. Бунинг учун матн киритилмаган ячейкалар белгиланади ва

“Объединит и поместит в центре” тугмаси босилади ва қуидаги күринишга ега бўламиз (11 – расм).

	A	B	C	D	E	F
1						
2						
3						
4						
5						
6						
7						

бирлашган ячейкалар

11 – расм. Ячейкани бирлаштириш

Авто тўлдириш (Автозаполнение)

Microsoft Excel дастурида ячейкаларни автоматик тўлдириш мумкин. Бунинг учун қуидаги кетма – кетликлар бажарилади.

C4 ячейкага “1” киритилади

C5 ячейкага эса “2” киритилади

C4 ва C5 ячейкалари белгиланади

Белгиланган рамканингўнг пастки бурчақдаги тўртбурчак тугмаси босиб турилган ҳолда пастга тортилади (12 – расм).

	A	B	C	D
1				
2				
3				
4			1	
5			2	
6			3	
7			4	
8			5	
9			6	
10			7	
11			8	
12				
13				

12 – расм. Рақамли автотўлдириш

Бу қолни қоқлаган кетма – кетлиқда келадиган сонлар учун амалга оширса бўлади. Масалан 2001, 2002 киритилади ва автотўлдириш амалга оширилса 2003, 2004, 2005 ва ҳакозо натижага ега бўламиз.

Бошқа ҳолда эса қафта кунларини қам автоатик давом эттириш мумкин. Бунинг учун “Понеделник” сўзини киритамиз ва автоматик тўлдириш тугмасини босиб турган ҳолда пастга қаракатлантирамиз (13 – расм).

	A	B	C	D
1				
2				
3			Понедельник	
4			Вторник	
5			Среда	
6			Четверг	
7			Пятница	
8			Суббота	
9			Воскресенье	
10				

13 – расм. ҳафта кунларини автоматик түлдириш

Файл менюси. Microsoft Excel дастурида хужжатларни саклаш, очиш ва яратиш.

Файл менюси асосан қуидагилардан ташкил топган

Янги файл яратиш (Создат)

Файлни саклаш (Сохранит как)

Үзгартариш киритилган файлни саклаш (Сохранит)

қаттік дискіда жойлашған файлни очиш (Открыт)


Файлни ёпиш (Закрыт)

Microsoft Excel дастурида да хужжатни сақлаш қуидаги кетма – кетлик ёрдамида амалға ошириләди:

Файл менюсига кирилади. “Сохранит как” тұгмаси босилади, пайдо бўлган ойначадан “Имя файл” майдонига файл номини киритамиз.

Манзил тушунчаси. Формула. Диаграмма. Ячейкани сонли форматлаш

Сонли форматлаш – “Главная” менюсидаги “Число” бўлими орқали амалға ошириләди (14 – расм). Бу форматлаш киритилган сонларни маълум форматга ўтказиш учун ишлатилади.




14 – расм. Сонли форматлаш менюси

Масалан “Умумий – Общий”, “Сонли – Числовой”, “Пул бирлиги – Денежный”, “Вақт - Время”, “Фоизли – Протцентный” ва бошқа форматлар мавжуд (15 – расм).

15–расм. Соңли формат кўринишлари

Шартли форматлаш ва филтрлаш. Шартли форматлаш – бу асосан Саҳифада мавжуд бўлган қийматларни (acosan сонли қийматларни) маълум шарт асосида ажратиш учун ишлатилади. Бунинг учун “Главная” менюси “Стили” бўлимидаги “Условное форматирование” тугмасидан фойдаланилади (16 – расм).



16 – расм. Стили бўлими. Форматлаш менюси


Ехсел дастурига С3 – Ф9 ячейкаларга қуйидаги жадвал күренишидаги маълумотни киритамиз ва “Стили” бўлими ускуналар панелини кўриб чиқамиз (1 – жадвал).

1 – жадвал

	2015 йил 1 октябрь оптималлаштиргача	2015 йил 1 декабрь оптималлаштириш натижаси бўйича	ФАРКИ			
			Жами фермер хўжаликлари, бирликда	1 фермер хўжалигигининг ер участкасининг ўртача майдони, га	Жами фермер хўжаликлари, бирликда	1 фермер хўжалигигининг ер участкасининг ўртача майдони, га
			бирлик (+,-)	%	бирлик (+,-)	%
7 Коракалпогистон Республикаси	3691					
8 Андижон вилояти	7251					
9 Бухоро вилояти	4632					
10 Жиззах вилояти	7784					
11 Кашкадарё вилояти	10756					
12 Навоий вилояти	1814					
13 Наманган вилояти	5523					
14 Самарқанд вилояти	10952					
15 Сурхондарё вилояти	5447					
16 Сирдарё вилояти	5097					
17 Томекент вилояти	6272					
18 Фарғона вилояти	8805					
19 Хоразм вилояти	5490					

17 – расм. Ишлов бериладиган жадвал

Енди шу жадвал бўйича шартли форматлашни кўриб чиқамиз. Шартли форматлаш менюси қуидаги расмда кўрсатилган (18 – расм). Бу менюдаги шартли форматлаш тутмалари белгиланган ячейка учун ишлайди.



18 – расм. Шартли форматлаш менюси

Демак, 18 – расмда кўрсатилган “белгиланган ячейкани шартли форматлаш” ни кўриб чиқамиз. Ўз навбатида у қам ўз менюсига эга бўлиб, сичқонча курсорини “Правила вўделения ячеек” тутмаси устига олиб борадиган бўлсак, ўнг томонда шарт турини танлаш учун меню очилади. Булар:

Болше – кириллган сондан катта бўлган сонлар ячейкасини форматлаш


Менше – кириллган сондан кичик бўлган сонлар ячейкасини форматлаш

Междур – кириллган сонлар ўртасидаги сонлар ячейкасини форматлаш

Равно – кириллган сонга teng бўлган сонлар ячейкасини форматлаш

Мисол сифатида “Болше” шарти орқали жадвални форматлаймиз. Бунинг учун жадвалдаги C3 : C8 ячейкаларни белгилаймиз ва қуидаги кетма – кетликни амалга оширамиз.

Условное форматирование > Правила въделения ячеек>Болше
Юқоридаги командалар кетма – кетлигидан кейин қуидаги ойна пайдо бўлади (19– расм).



19 – расм. Шарт киритиш ва форматни белгилаш ойнаси

19–расмда кўрсатилганидек, биринчи майдонга шарт учун сон қиммати киритилади ва ячейка учун формат кўрсатилган тугма орқали танланади ва “ОК” тугмаси босилади. Бу команда бажарилгандан кейин жадвал қуидаги кўринишга келади (20 – расм).

2015 йил 1 октябрь оптималлантришгача		2015 йил 1 декабрь оптималлантриш натижаси бўйича		ФАРКИ			
Жами фермер хўжаликлари, бирликда	1 фермер хўжалигининг ер участкасини ўртacha майдони, га	Жами фермер хўжаликлари, бирликда	1 фермер хўжалигининг ер участкасини ўртacha майдони, га	Фермер хўжаликлари сони		1 фермер хўжалигигининг ер участкасини ўртacha майдони, га	
				бирлик (+,-)	%	бирлик (+,-)	%
3691	80,6	4802	58,7	1111	30,1	-21,9	-27,2
7251	29,8	8538	25,6	1287	17,7	-4,2	-14,2
4632	44,4	5273	39	641	13,8	-5,4	-12,1
7784	55,7	10073	43,2	2289	29,4	-12,6	-22,6
10756	51,2	12373	44,8	1617	15	-6,4	-12,4
1814	48,3	2519	35,6	705	38,9	-12,7	-26,2
5523	35,7	7397	26,9	1874	33,9	-8,9	-24,8
10952	36,9	12641	32,1	1689	15,4	-4,8	-13,1
5447	45,5	6108	41,2	661	12,1	-4,4	-9,6
5097	48,6	5459	46,1	362	7,1	-2,5	-5,2
6272	53,3	9418	29,6	3146	50,2	-23,7	-44,4
8805	31,3	10420	26,1	1615	18,3	-5,2	-16,6
5490	36,9	6049	33,8	559	10,2	-3,1	-8,4

20 – расм. “Болше” шарти орқали форматланган жадвал

қолган шарт кўринишлари ҳам юқоридаги кетма – кетлик бўйича ишлайди.“Шартли форматлаш” учун бошқача усууллар ҳам мавжуд бўлиб, бу 2 – расмдаги “белгили форматлаш” тумалари орқали амалга оширилади. Бунинг учун қам Д4 : Ф9 (Д4 дан Ф9 гача бўлган) ячейкалар белгиланади ва мос равишда “белгили форматлаш” тури танланилади ва натижалар қуидаги жадвалда кўрсатилган (2 – жадвал).

2 – жадвал

Гистограмми

Световые шкали


Набори значков

Гистограммы			Световые шкале			Наборы значков													
2015 йил 1 октябрь оптималшырынча		2015 йил 1 декабрь оптималшырынчи бүйнчы		ФАРКИ		2015 йил 1 октябрь оптималшырынча		2015 йил 1 декабрь оптималшырынчи бүйнчы		ФАРКИ		2015 йил 1 октябрь оптималшырынча		2015 йил 1 декабрь оптималшырынчи бүйнчы		ФАРКИ			
Жами фермер хўжаликчари, бўрикда	1 фермер хўжаликчари участкасини ўртача майдони, га	Жами фермер хўжаликчари, бўрикда	1 фермер хўжаликчари участкасини ўртача майдони, га	Фермер хўжаликчари сени	1 фермер хўжаликчари участкасини ўртача майдони, га	Жами фермер хўжаликчари, бўрикда	1 фермер хўжаликчари участкасини ўртача майдони, га	Жами фермер хўжаликчари, бўрикда	1 фермер хўжаликчари участкасини ўртача майдони, га	Фермер хўжаликчари сени	1 фермер хўжаликчари участкасини ўртача майдони, га	Жами фермер хўжаликчари, бўрикда	1 фермер хўжаликчари участкасини ўртача майдони, га	Жами фермер хўжаликчари, бўрикда	1 фермер хўжаликчари участкасини ўртача майдони, га	Фермер хўжаликчари сени			
Бирлик (+,-)	%	Бирлик (+,-)	%	Бирлик (+,-)	%	Бирлик (+,-)	%	Бирлик (+,-)	%	Бирлик (+,-)	%	Бирлик (+,-)	%	Бирлик (+,-)	%	Бирлик (+,-)	%		
3691	80,6	4802	58,7	1111	30,1	58,7	1111	30,1	58,7	1111	30,1	1081	30,6	4802	58,7	1111	30,1		
7251	29,8	8538	25,6	1287	-4,2	145	29,8	8538	25,6	1287	-4,2	1242	-29,8	8538	25,6	1287	-17,7		
4512	44,4	5273	39	641	13,8	-5,4	12,1	4512	44,4	5273	39	641	13,8	-5,4	12,1	444	44,4	5273	39
7784	55,7	10073	65,7	2289	28,4	12,6	32,0	7784	55,7	10073	65,7	2289	28,4	12,6	32,0	10073	55,7	10073	65,7
10952	51,2	12373	44,3	111	2,7	4,4	12,4	10952	51,2	12373	44,3	111	2,7	4,4	12,4	12373	51,2	12373	44,3
1114	49,2	2519	38,9	17	2,7	4,2	12,4	1114	49,2	2519	38,9	17	2,7	4,2	12,4	2519	49,2	2519	38,9
8721	79,7	1077	33,9	8,9	2,4	24,5	24,5	8721	79,7	1077	33,9	8,9	2,4	24,5	24,5	1077	79,7	1077	33,9
10952	36,9	12443	15,4	-4,8	13,1	55,7	10952	36,9	12443	15,4	-4,8	13,1	1114	48,3	2519	38,9	17	2,7	
5447	45,5	6108	41,2	661	12,1	4,4	9,6	5447	45,5	6108	41,2	661	12,1	4,4	9,6	6108	45,5	6108	41,2
5097	40,6	5479	36,1	362	2,7	4,2	12,4	5097	40,6	5479	36,1	362	2,7	4,2	12,4	5479	40,6	5479	36,1
6127	51,2	10952	49,2	32,7	4,1	24,5	24,5	6127	51,2	10952	49,2	32,7	4,1	24,5	24,5	10952	51,2	10952	49,2
8805	31,3	10420	26,1	1615	18,3	-5,2	16,6	8805	31,3	10420	26,1	1615	18,3	-5,2	16,6	10420	31,3	10420	26,1
5400	36,9	6049	33,8	599	10,2	-3,1	4,6	5400	36,9	6049	33,8	599	10,2	-3,1	4,6	6049	36,9	6049	33,8

Шарт орқали форматланган ячейка форматини олиб ташлаш учун форматланган ячейкалар белгиланади ва “шартни олиб ташлаш” тугмаси босилади.

Жадвал кўринишида форматлаш ва филтрлаш

Жадвал кўринишида форматлаш – филтрлаш асоси қисобланади. Жадвал кўринишидаги форматланган ячейкалар қонуният асосида филтрланиш имкониятига эга бўлади. Бу усулда форматлаш 3 – расмда кўрсатилган “Форматироват как таблитсу” тугмасидан фойдаланилади. Бунинг учун жадвал устун номлари билан бирга белгиланган бўлиши керак. Чунки филтрлаш қар бир устун номи бўйича амалга оширилади. Демак бизнинг мисол бўйича С3 : Ф9 (С3 дан Ф9 гача) белгиланади ва “Стили” бўлимидағи “Форматироват как таблитсу” менюсидан мақсаддағ мувофиқ формат тури танланилади ва жадвалимиз қуйидаги кўринишга эга бўлади (21 – расм).



21 – расм. Жадвал кўринишида форматланган ячейкалар

Расмдан кўриниб турибдики, қар бир устунда шу устунни бошқарувчи тугма ҳосил бўлди. Бу тугма филтр тугмаси деб қам аталади. “Филтр” тугмаси босилгандан кейин қуйидаги ойна пайдо бўлади (22 – расм).


2015 йил 1 октябрь оптималлаштырылганда		2015 йил 1 декабрь оптималлаштырыл натижаси бўйича		ФАРКИ		
Жами фермер хўжаликлари, бирликда	1 фермер хўжалигининг ер участкасини ўтмач майдони, га	Жами фермер хўжаликлари, бирликда	1 фермер хўжалигининг ер участкасини ўтмач майдони, га	Фермер хўжаликлари сони	1 фермер хўжалигининг ер участкасининг ўтма майдони, га	
				бирлик (+,-)	%	
3691	80,6	4802	58,7	1111	30,1	-21,9
7251	29,8	8538	25,6	1287	17,7	-4,2
4632	44,4	5273	39	641	13,8	-5,4
7784	55,7	10073	43,2	2289	29,4	-12,6
10756	51,2	12373	44,8	1617	15	-6,4
1814	48,3	2519	35,6	705	38,9	-12,7
5523	35,7	7397	26,9	1874	33,9	-8,9
10952	36,9	12641	32,1	1689	15,4	-4,8
5447	45,5	6108	41,2	661	12,1	-4,4
5097	48,6	5459	46,1	362	7,1	-2,5
6272	53,3	9418	29,6	3146	50,2	-23,7
8805	31,3	10420	26,1	1615	18,3	-5,2
Microsoft Power Point орқали тақдимот – бу экранда киритиладиган ва тарқатма материали бўла оладиган маърузалар матни ёки маъруза режаси слайдлар ёрдамида тайёрланиб, уларни юпқа пленкаларда, оддий қоғозларда ва 35 миллиметрли слайдларда ёки тўғридан-тўғри компьютер экранида намойиш қилиш мумкин. Слайдларда ахборотларни исталган шаклда ва қўринишдаги матн, графика, жадвал ва диаграммалар шаклида ташкил этиш мумкин.



1-расм. Microsoft Power Pointни ишга тушириш.

Microsoft Power Point дастурини ишга тушириш

Бу дастур Microsoft Office дастурлар мажмуига мансуб бўлиб, **Пуск → Программы → Microsoft Power Point** бўлимидан ишга туширилади. Microsoft Power Point дастури ишга тушишининг бир неча турларини таклиф этади: тақдимот намуналари орқали, оддий тақдимот орқали ёки тақдимотнинг автомастери орқали. Кераклиси танлаб олинади ва **OK** тугмаси босилади (1-расм). Бундан ташқари, илгари яратилган тақдимот кўриниши мавжуд бўлса, уни **Открыть документ** бўлимидан ишга туширса бўлади. Microsoft Power Point дастури орқали ҳосил қилинган файллар **.ppt** кенгайтмали бўлади.


MICROSOFT POWER POINT ДАСТУРИДА ИШЛАШ РЕЖИМИ

Microsoft Power Point дастури ахборотларни турли кўринишларда намойиш қилиш имкониятини берувчи дастурдир. Бу дастур бир неча иш режимига эга бўлиб, ахборотни оддий ёки унинг структурасини кўриш, унга турли изоҳлар бериш, унинг графигини кўриш ёки слайдини яратиш учун кулайликлар яратилган. Унда асосан: оддий (обычный), структурали (структуры), слайдлар (слайдов), слайдларни саралаш (сортировщик слайдов) ва слайдларни намойиш қилиш (показ слайдов) иш режимлари мавжуд.

Оддий режимда Microsoft Power Pointда оддий иш режими уч бўлакдан иборат бўлади:

- структуралар бўлаги,
- слайдлар бўлаги
- изоҳлар бўлаги.

Структуралар бўлагида тақдимот ишларини ташкил қилиш мумкин. Унда матн графикасиз ифода қилинади ва рўйхатлар, абзатслар ва слайдлар матни қўрсатилади.



2-расм. Слайдларни кетма-кет жойлаштириш (миниатюра шаклида).

Слайдлар бўлагида слайдлар форматлаш имконияти билан бирга намоён бўлади. Улардан баъзиларига расмлар, овозлар, ҳаттоқи клиплардан парчалар жойлаштириш мумкин. Слайдлар кетма-кетлиги экраннинг ўнг томонидаги юргич (**прокрутка**) ёрдамида силжитилади. Изоҳлар бўлагида эса, маърузачи учун керак бўладиган ёки эши тувшилар учун ахборотлар ёзилган бўлиши мумкин.

Слайдлар саралаш иш режимида Microsoft Power Point ойнасида барча слайдлар бараварига миниатура кўринишида намоён бўлади (2-расм). Бу режим слайдларни қўшиш, улардан кераксизини олиб ташлаш ёки жойларини алмаштириш имконини беради.


Тақдимот слайдларини исталган вақтда кўриш мумкин. Бу **Показ слайдов** режимида амалга оширилади. Бу иш репетитсия ёки аудитория олдида намойиш этиш учун бажарилади. Агар у аниматсиялар орқали ва слайдлар кетма-кетлиги билан катта экранда намойиш этилса, мақсадга мувофиқ иш бўлади. Слайдлар кетма-кетлиги сичқонча билан бошқарилади.

Иш режимлари асосий менюдаги **Вид** бўлимидан ёки экраннинг ўнг пастки бурчагида кўрсатилган белгичалар орқали ўрнатиш мумкин.

Слайдлар иш режими ҳар бир слайдни алоҳида-алоҳида кўриш ва унинг устида ишлаш учун жуда қулай, шунинг учун тақдимот ишларини ташкил этиш асосан шу режимда олиб борилади.

Тақдимот ишларини наъмуналар (шаблон) орқали бажариш

Microsoft Power Point дастурида тақдимот ишларини бирор наъмуналар кўринишида бажариш мумкин. Бунинг учун турли наъмуналар рўйхати берилган (3-расм). Улардан кераклиси танлаб олинади ва ОК тугмаси босилса, барча тақдимот ишлари шу формада, яъни безаклар асосида олиб борилади. Безакларни исталган вақтда алмаштириш имконияти бор.



3-расм. Слайдларни яратишида наъмуналардан фойдаланиш

Слайдларни ташкил этишида менюнинг **Вид** бўлимидаги

Образец слайдов ва **Образец заголовок** бўлимларидан фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бу бўлимда слайдлар наъмунаси, тури, ёзилиши, шрифт ўлчами, абзатс параметрларини ўрнатиш ёки ўзгартириш мумкин.

- Бундан ташқари, Microsoft Power Point сахифасида бирор графикани ёки расмни ўзимиз чизиб ташкил қилишимиз ҳам мумкин. Бунинг учун **Рисование** инструментлар панелидаги асбоблардан фойдаланилади. Бу бўлимдан фойдаланиш бизга Microsoft Word дастуридан таниш. Бу йерда фақат баъзи бир маслаҳатлар билан чекланмоқчимиз.

- Агар эллипс шакли билан айлана, тўғри тўртбурчак шакли билан квадрат, ёй шакли билан айлана ёйини чизиш керак бўлса, бу шакл

белгилари **Шифт** тугмаси билан, агар уларни олиб ташлаш учун белгилаш керак бўлса сичқончанинг тугмаси **Шифт** билан юргизилади. Буни

Стрл + А ёрдамида ҳам бажарса бўлади.

- Агар горизонтал ёки вертикал тўғри чизик чизиш керак бўлса, тўғри чизик шакли белгисини **Шифт** тугмасини ушлаб чизиш керак.

- Агар слайдларга бирор формула орқали ахборот киритиш керак бўлса, менюдаги **Вставка** бўлимидан **Объект** пунктига кирилади. Ундан Microsoft эқуатион пункти ёрдамида формулалар редактори чақирилади ва керакли формулалар киритилади. Яна тақдимотга қайтиш учун **Файл** бўлимидағи **Выход и возврат в презентацию** пунктидан фойдаланилади.

Тақдимот ишларида жадваллардан ва диаграммалардан фойдаланиш.

Кўпинча ахборотларни жадваллар кўринишида акс эттириш қулай бўлади. Буни Microsoft Power Pointда ҳам амалга ошиrsa бўлади. Бунинг учун **Создать слайд** бўлимидан фойдаланилади (4-расм). Кейин эса **Вставка таблицы** бўлимидан жадвалларнинг қатор ва устунларнинг сони кўрсатилади ва ОК Ишлатилган жадвалларнинг форматини ўзгартириш керак бўлса, менюдаги **Формат**, **Таблица**дан фойдаланилади. Бунда **Границы**, **Заливка**, **Надпись** ёрдамида жадвалларнинг параметрларини ҳам кўрсатиш мумкин.


- Microsoft Word дастурида тузилган жадваллардан Microsoft Power Point дастурида ҳам фойдаланса бўлади. Бу вазифа қуйидаги кетма-кетлиқда бажарилади:

- Wordда тузилган жадвал қора рангда ажратилади (менюнинг **Таблица** бўлимидан **Выделить таблицу**).

- **Правка** бўлимидан **Копировать** ёки **Стрл + С** тугмаси босилиб, ажратилган жадвалнинг нусхаси буферга олинади.

- Microsoft Power Point дастури ишга туширилади ва жадвал ўрнатилиш керак бўлган соҳа танланади. Кейин **Правка** бўлимидан **Специальная вставка** командаси берилади.

- Бу бўлимдан **Объект Документа Word** танланади ва **Вставить** ёки **Связать** босилади ва **OK** босилади.




4-расм. Слайд яратишида жадваллардан фойдаланиш

	A	B	C	D	E	F	G	H	I	J	K	L
1		1кв	2кв	3кв	4кв							
2	шарк		10	15	20	30						
3	шимол		20	25	30	35						
4	гарб		30	35	40	45						
5												
6												
7												
8												
9												
10												
11												
12												
13												
14												
15												


5-расм. Microsoft Excelда тайёрланган жадвал

Худди шу тартибда Microsoft Power Point дастурида Microsoft Excel дастурида тайёрланган жадваллардан ёки диаграммалардан ҳам фойдаланса бўлади. Бунинг учун Microsoft Excelдан диаграммаси кўчириладиган слайд тайёрланади. Диаграммаларни слайдга жойлаштириш учун сичқонча икки марта босилади. Экранда қайси жадвалнинг диаграммаси қурилиши кераклиги кўринади (5-расм). Сўнгра шу диаграмма слайдга жойланади (6-расм).



6-расм. Тақдимот слайдига илова қилинган диаграмма


Бундан ташкари, слайдларда ташкилий диаграммалардан ҳам фойдаланса бўлади (7-расм). Бунинг учун слайд наъмунасини танлагандা, **Организационная диаграмма** бўлими танланади. Диаграмма тайёр бўлганидан сўнг **Файл** бўлимидағи **Выход** босилади.



7-расм. Ташкилий диаграмма

АНИМАЦИЯ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.

Слайд ташкил этилганидан сўнг уни ўзимиз хоҳлаганимизча кўринишда ва овозда намойиш этишимиз мумкин. Бу менюдаги **Показ слайдов** бўлимидан **Настройка анимации** пункти орқали бошқарилади.



8-расм. Слайдларни аниматсия қилиш

Бу бўлимда **Время, Эффекты, Эффекты в диаграммах, Эффекты воспроизведения** пунктлари мавжуд бўлиб, аниматсия ишларини бошқариш учун ишлатилади. Аввало, слайддаги ҳар бир обьект аниматсия ишларига кўшилиши керак. Уни сичқонча орқали ёки автоматик равишда қанча вақт оралиғида бошқарилиши кўрсатилиши лозим. Кейин унинг эфектлари кўрсатилади. Бунда экранда пайдо бўлиши ва уни қандай овоз орқали кўриш имконияти яратилади (8-расм).

Барча аниматсия ишларини бажариб сўнг уни репититсия сифатида кўйиб кўриш мумкин (**Просмотр**). Сўнгра ОК тутмаси босилади. Агар слайдда диаграммалар ҳам ишлатилаётган бўлса, **Эффекты в диаграммах, Эффекты воспроизведения** пунктлари ҳам ишчи ҳолатда бўлади.

Тақдимот ишларини ташкил этиш тамом бўлганидан сўнг уни намойиш этиш мумкин. Буни **Показ слайдов** бўлимидан ёки экраннинг чап пастки бурчагида жойлашган белгича орқали бошқариш мумкин. Энди уни қайерда ва қандай ҳолатда намойиш этиш танланса бўлди. Бу иш менюдаги **Показ слайдов** бўлиминдаги **Настройка презентации** пунктидан амалга оширилади.

Маъruzachi орқали. Бу иш экраннинг тўла ҳолатида бажарилади ва маъruzachi тақдимот устидан тўла назорат ўрнатади. Уни қўлда ёки автоматик равишда бошқариш ёки тўхтатиб-тўхтатиб бошқариш мумкин.

Марузачи ҳар бир слайдни қанча вақт намойиш этилишини билиб олиб, тақдимот пайтида шу вақтга қараб иш тутиши мумкин. Буни менюдаги **Показ слайдов** бўлимидаги **Настройка времени** пунктидан аниқласа бўлади.

Фойдаланувчи орқали. Бу ҳолат тақдимот ишлари кичик размерда бирор компания ёки Интернет тармоғи орқали кўрилаётганда ишлатилади. Слайдлар кетма-кетлиги юргич (прокрутка) ёки **Page Up** ва **Page Down** тутгачалари ёрдамида кўрилади.

Автоматик равишида. Бу ҳолатда барча тақдимот ишлари автоматик равишида белгиланган вақт оралиғида бажарилади. Агар кўрсатиш жараёни тўхтатилмаса, слайдлар кетма-кетлиги автоматик равишида 5 минутдан кейин яна қайта бошланади.

Вазифалар

1. «Жисмоний тарбия ва спорт» мавзусига тақдимот ишларини яратинг. Бунда жадваллар ва диаграммалардан фойдаланинг.
2. Ихтиёрий спорт тури бўйича жисмоний таёргарлик, техника ва тактика, ҳамда психологик тайёргарлик бўйича тақдимот ишини экранда турли хил анимациялар орқали намойиш этишга тайёрланг.
3. Жаҳон ва Осиё чемпионлари ҳақида маълумот тайёрланг.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

Назорат саволлари

1. PowerPoint интерфейси қандай ойналардан ташкил топган?
2. PowerPoint менюлар сатридан қандай менюлар мавжуд?
3. PowerPoint дастуридаги менюларнинг қисқача тавсифини айтиб ўтинг
4. PowerPointда янги тақдимот яратишида тақдимотнинг қандай кўринишларини яратиш мумкин?
5. Шрифт деганда нимани тушунасиз?
6. PowerPointда матн стили нима?
7. PowerPointда рўйхат қандай яратилади?
8. PowerPointда Слайд матнини SmartArt расмига алмаштиришқандай амалга оширилади?
9. PowerPointда яратилган слайдларга математик формулалар жойлаштириш мумкинми?
10. PowerPointда тақдимотга изоҳ қўйиш қандай амалга оширилади?
11. Рақамли тасвирлар деганда нимани тушунасиз?
12. PowerPointда слайдга расм қўйиш қандай амалга оширилади?

13. PowerPointда слайдга қўйилган тасвитлар қандай таҳирланади?
14. PowerPointда тақдимотларга гипермулоқот қандай қўйилади?
15. Тақдимотларда бошқарув тугмаси нима ва у нима учун қўйилади?
16. PowerPoint ёрдамида фотоалмоб қандай яратилади?
17. SmartArt расмларининг вазифаси нима?
18. SmartArt расмларининг қандай типлари мавжуд?
19. SmartArt стили нима ва унинг вазифаси?
20. PowerPointда расм форматини ўзгартириш қандай амалга оширилади
21. ПоверПонтда слайдга жадвал қўйиш қандай амалга оширилади?
22. PowerPointда жадвални фойдаланувчининг ўзи чизиши мумкинми?
Агар мумкин бўлса қандай амалга оширилади?
23. PowerPointда слайдга қўйилган жадвал стили қандай ўзгартирилади?
24. Диаграммаларнинг қандай турларини биласиз?
25. PowerPointда слайдга диаграмма қандай жойлаштирилади?
26. PowerPoint2010да диаграмма яратилганда Excel2010 автоматик ишга тушиши нима учун хизмат қиласи?
27. PowerPointда диаграммани ўзгартиришнинг қандай имкониятлари мавжуд?
28. PowerPointда диаграмманинг қайси элементларини форматлаш мумкин?
29. PowerPointда диаграммани эфектли форматлаш қандай амалга оширилади?
30. Компьютерда товуш параметрлари деганда нимани тушунасиз?
31. PowerPoint 2010 дастури таъминлайдиган қандай товуш форматлари мавжуд?
32. PowerPoint2010да тақдимотга товуш қўйиш усулларини санаб ўтинг
33. Тақдимотда овозли бошқарув нима ва у қандай амалга оширилади?
34. PowerPointда слайдга мусуқий аудиоклип қўйилади
35. Рақамли видео нима?
36. Рақамли видео тавсифланадиган асосий факторларни санаб ўтинг
37. PowerPoint2010 иловасида қўйиладиган видеофайлларнинг қандай форматларин биласиз?
38. PowerPoint2010да видеопарча тақдимотга қандай қўйилади?
39. PowerPointда аниматсиянинг қандай стандарт эфектларини биласиз?
40. PowerPointда Матн ёки объектга аниматсия эфектлати қандай яратилади?
41. PowerPointда слайдларга слайдлар алмашинувини кўшиш амали қандай бажарилади?
42. PowerPointда автоматик тақдимот нима ва у қандай яратилади?

-
43. PowerPointда тақдимотни кўриб чиқиш режимларини санаб беринг?
 44. Мавжуд слайднинг ўлчамларини ўзгартериш қандай амалга оширилади?
 45. Тақдимотга янги бўш слайд қандай қўшилади?
 46. Янги тақдимот қандай яратилади?
 47. Тақдимотга бошқа яқдимотдан слайдлар қўйиш қандай бажарилади?
 48. Тақдимотга обектлар жойлаштириш қандай бажарилади?
 49. PowerPoint нима учун керак?
 50. Слайднинг ҳар бир элементига эфектлар қандай ўрнатилади?
 51. Тақдимотни намойиш этиш қандай амалга оширилади?

VII БҮЛІМ

КЕЙСЛАР БАНКИ

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

1-кейс мавзуси: “Жисмоний тарбияда ахборот коммуникация технологияларида фойдаланиш”

Вазият тавсифи: Сизнинг ташкилот (университет, институт)ингиз миқёсида жисмоний тарбияда ахборот комммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича чора тадбирлари ишлаб чиқилди. Аммо амалий тадбиқ этиш жараёни суст.

Кейс саволлари:

1) Қайси норматив-хуқукий ҳужжатларда жисмоний тарбияда ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш масаласи кўйилган?

<i>№</i>	<i>Норматив-хуқукий ҳужжатнинг номи</i>	<i>Қачон қабул қилинган</i>	<i>Изоҳ</i>
1			
2			
3			

2) Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни ва уларнинг оқибатларини белгиланг.

<i>№</i>	<i>Сабаб</i>	<i>Оқибат</i>
1		
2		

3) Мақсад, кутиладиган натижалар, вақт оралиқлари, назорат индикаторлари каби жихатларини аниқлаб, сизнинг ташкилот (университет,

институт)ингиз миқёсида жисмоний тарбияда ахборот комммуникация технологияларидан фойдаланиш чора тадбирлари ишлаб чикинг.

2-кейс мавзуси: “Педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштириш”

Вазият тавсифи: Сизнинг шахсий, касбий ахборот майдонингиз шаклланган, лекин амалий тадбиқ этиш жараёни суст.

Кейс саволлари:

1) Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни ва уларнинг оқибатларини белгиланг.

№	Сабаб	Оқибат
1		
2		

2) Ўз шахсий, касбий ахборот майдонингизнинг тузилмасини чизиб беринг ва унинг мазмунини белгиланг.

3) Ўкув тренировка машғулотларидаги ўлчаш натижаларини Microsoft Excel дастуридан фойдаланиш асосида таҳлил этинг.

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:

1. Маълумотларни яна бир маротаба диққат билан ўқиб чикинг. Сиз учун муҳим бўлган сатрларни қуидаги ҳарфлар ёрдамида белгиланг (индивидуал).

“Д” ҳарфи – муаммони тасдиқловчи далиллар,

“С” ҳарфи – муаммо сабабларини,

“М.О.О.Й.” ҳарфлари – муаммони олдини олиш йўллари.

Гурухларда кейс-стадини ечиш бўйича йўриқнома.

1. Индивидуал ечилган кейс-стади вазиятлар билан танишиб чикинг (кичик гуруҳда).

2. Гуруҳ сардорини танланг.

3. Ватман қоғозларда қуидаги жадвални чизинг.

1-жадвал**Муаммони таҳлил қилиш ва ечиш жадвали**

Муаммони тасдиқловчи далиллари	Муаммони келиб чиқиш сабаблари	Муаллиф томонидан таклиф қилинган ечим	Гурух ечими

Ишни якунлаб, тақдимотга тайёрланг.

2-жадвал**Аудиториядан ташқари бажарилган иш учун баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари**

Ўқувчилар рўйхати	Асосий муаммо ажратиб олиниб, тадқиқот обьекти аниқланган (макс. 6 б)	Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаби ва далиллари аниқ кўрсатилган (макс. 4 б)	Вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатлари аниқ кўрсатилган (макс. 10 б)	Жами (макс. 20 б)

3-жадвал**Аудиторияда бажарилган иш учун баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари**

Гурухлар рўйхати	Гурух фаол (макс. 1 б)	Маълумотлар кўргазмали тақдим этилди (макс. 4 б)	Жавоблар тўлиқ ва аниқ берилди (макс. 5 б)	Жами (макс. 10 б)
1.				
2.				
3.				

- 8-10 балл – “аъло”,
- 6- 8 балл – “яхши”,
- 4- 6 балл – “қониқарли”,
- 0 -4 балл – “қониқарсиз”.

МУАММОЛИ ВАЗИЯТЛАР**1-вазият**

Куйидаги вазиятда нима қиласиз? Деканат Сиздан ахборот-коммуникация воситалари ёрдамида дарс ўтишингизни талаб қиласини, аммо сизда бундай имконият йўқ.

2-вазият

Хар бир тингловчи ёки талабанинг электрон портфолио ташкил қилиши талаби кун тартибига қўйилди. Сиз уларга қандай топшириклар берган бўлар эдингиз?

VIII БҮЛІМ

ГЛОССАРИЙ

VI. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
<i>Анимация</i>	мультимедиали технология; тасвирнинг ҳаракатлананаётганлигини ифодалаш учун тасвирларнинг кетма-кет намойиши	the sequential use of photographs, graphics, illustrations or other media to create the illusion of movement
<i>LMS (Learning Management Systems)</i>	виртуал таълим жараёнини бошқарувчи тизим	is a software application for the administration, documentation, tracking, reporting and delivery of electronic educational technology (also called e-learning) courses or training programs
<i>CMS (Content Management Systems)</i>	ички контентни бошқарув тизимлари	is a set of processes and technologies that supports the collection, managing, and publishing of information in any form or medium. When stored and accessed via computers, this information may be more specifically referred to as digital content, or simply as content
<i>Браузер</i>	интернет билан ишлашни таъминлайдиган дастур	a client application that fetches and displays Web pages and other WWW resources to the user
<i>Вебкамера</i>	компьютерлараро видеотасвирларни узатувчи курилмадир	is a <u>video camera</u> that feeds or <u>streams</u> its image in real time to or through a <u>computer</u> to computer network
<i>ВидеоИловалар</i>	ҳаракатланувчи тасвирлар ишлаб чиқиши технологияси ва намойиши	a feature allowing the mapping of an AVI, MPEG movie or animation on to the surface of a 3D object
<i>Виртуал (воқеълик) ҳақиқийлик</i>	ўрганишга мўлжалланган мураккаб жараёнларда бўладиган ҳодисаларни аудиовидео тизими орқали ўқувчи тассавуридаги мавҳум кўриниши	technology that allows the user to experience 3D interaction with the computer. Some VR systems may incorporate special visors, helmets, gloves, and special 3D graphics technology to simulate the real world environment
<i>Гипермурожсаат</i>	тагига чизилган ёки қандайдир бошқа усулда ажратиб кўрсатилган сўз ёки жумла бўлиб, гиперматнли тизимнинг бошқа блок,	a pointer from text or from an image map to a page or other type of file on the WWW. On Web pages, hyperlinks are the primary way to navigate between pages and among Web sites

	хужжат, гипермұхит сахифаси, гиперматнини күрсатиши имконияттарын беради	
<i>Интернет</i>	яғона стандарт асосида фаолият күрсатувчи жағон глобал компьютер тармоғи	is the global system of interconnected computer networks that use the Internet protocol suite (TCP/IP) to link billions of devices worldwide
<i>Инtranет</i>	интернетнинг күйгина функционал имкониятларига эга бўлган ташкилот ёки таълим муассасасининг ички тармоғи. Интранет интернетга уланган бўлиши ҳам мумкин	is a private network accessible only to an organization's staff. Generally a wide range of information and services from the organization's internal IT systems are available that would not be available to the public from the Internet
<i>Кейс-технология (Computer-aided software engineering)</i>	масофавий ўқитишни ташкил қилишнинг шундай услуги, масофавий таълимда матнли, аудиовизуал ва мультимедиали (кей ўқув услугий материаллар мажмуаси қўлланишга асосланади	is the domain of software tools used to design and implement applications. CASE tools are similar to and were partly inspired by Computer Aided Design (CAD) tools used to design hardware products
<i>Масофавий ўқитши</i>	ахборот-коммуникация технологияси (компьютерлар, телекоммуникациялар, мультимедиа воситалари)га асосланган, тегишли меъёрий хужжатлар асосида ташкиллаштирилган таълим шакли	is the education of students who are not physically present at school. Courses that are conducted partly through distance education and partly on-site are referred to as hybrid or blended education
<i>Оммавий очик онлайн курслар</i>	масофали таълим шакли сингари электрон таълим технологияларини қўллаш ва Интернет тармоғидан фойдаланиш орқали ташкил этиладиган оммавий интерактив ўқув курси	a massive open online course (MOOC /mu:k/) is an online course aimed at unlimited participation and open access via the web. In addition to traditional course materials such as filmed lectures, readings, and problem sets, many MOOCs provide interactive user forums to support community interactions among students, professors, and teaching assistants (TAs)
<i>Провайдер</i>	компьютерларнинг тармоқса уланиш ва ахборот	is an organization that provides services for accessing, using, the Internet. Internet service

	алмашишини ташкил қиладиган ташкилот	providers may be organized in various forms, such as commercial, community-owned, non-profit, or otherwise privately owned
<i>Сайт</i>	графика ва мультимедия элементлари жойлаштирилган гипермедиа хужжатлари кўринишидаги мантиқан бутун ахборот	is a collection of related web pages, including multimedia content, typically identified with a common domain name, and published on at least one web server
<i>Сервер</i>	ахборот-таълим ресурсларини тармоқда жойлаштириш ва уни тарқатиш учун мўлжалланган компьютер қурилмалари мажмуи	a system that responds to requests across a computer network to provide, or help to provide, a network or data service
<i>Сунъий интеллект</i>	инсон интеллектининг баъзи хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган автоматик ва автоматлаштирилган тизимлар мажмауси	is the intelligence exhibited by machines or software. It is also the name of the academic field of study which studies how to create computers and computer software that are capable of intelligent behavior
<i>Тақдимот/презентациялар</i>	аудиовизуал воситалардан фойдаланиб кўргазмали шаклда маълумот тақдим этиш шакли	is the process of presenting a topic to an audience. It is typically a demonstration, lecture, or speech meant to inform, persuade, or build good will
<i>Телеанжуман</i>	турли географик жойлаштирилган икки ва кўпроқ фойдаланувчилар грухларини ўқитиш максадида тв- технологиялари орқали ахборотлар алмашиниш шакли	a general term for a meeting not held in person. Usually refers to a multi-party telephone call, set up by the phone company or private source, which enables more than two callers to participate in a conversation.
<i>Тизим</i>	ягона максад йўлида бир вақтнинг ўзида ҳам яхлит, ҳам ўзаро боғланган тарзда фаолият кўрсатадиган бир неча турдаги элементлар мажмууси	is a set of interacting or interdependent component parts forming a complex/intricate whole. Every system is delineated by its spatial and temporal boundaries, surrounded and influenced by its environment, described by its structure and purpose and expressed in its functioning
<i>Электрон почта</i>	компьютер тармоғида маълумотларни сақлаш ва уларни фойдаланувчилар орасида ўзаро алмашишини таъминлайдиган тизим.	is a method of exchanging digital messages from an author to one or more recipients. Email operates across the Internet or other computer networks via an email provider's server facility

	Internetда телефон тармоғи орқали фойдаланувчилар орасида маълумот алмасиш имконини беради, маълумот матн ёки файл кўринишида бўлиши мумкин	
--	---	--

Глоссарий:

Электрон жадваллар. Жадвал кўринишидаги қўп миқдордаги маълумотларни қайта ишлашда турли ҳисоб операсияларини бажариш сифатини ҳамда ҳисоблашлар даражасини ошириш учун электрон жадваллар, яъни жадвал просессори деб аталағиган маҳсус дастурлар пакети мавжуд.

Microsoft Excel электрон жадвал просессори. Microsoft Excel Office таркибида киравчи дастурлар пакетидир. Бу дастурлар пакети жадвал маълумотларини қайта ишлаш учун мўлжалланган. Microsoft Excel электрон жадвалида ҳужжатлар ёки файллар . xls кенгайтмасига ега бўлади. Эксел электрон жадвалининг ҳар бир файлни одатда иш китоби деб аталади. Ҳар бир иш китобида бир неча «иш вараги» мавжуд. Электрон жадвал сатрлари 1 дан 65536 гача бўлган бутун сонлар, устунлар эса A, B, C, .Z, AA, AB, . каби лотин ҳарфлари билан белгиланган. Устун билан қатор кесиши маси жадвал ячейкаси дейилади. ҳар қандай ячейкага сон, ҳарф, формула ёки матн ёзиш мумкин.

Microsoft Excel – жадвалли просессор, электрон жадвалларни яратиш ва қайта ишлаш учун дастур.

Абсолют – ячейкалар \$ белгиси (масалан: \$F\$7) билан бирикмада ячейкалар координаталари орқали ифодаланади.

Автофілтр - бу команда яширинган рўйхатлар тугмаларини (стрелкалар билан тугмалар) бевосита устун номлари ёзилган қаторга ўрнатади. Уларнинг ёрдами билан экранга чиқарилиши лозим бўлган маълумотлар базаси ёзувлари танланади.

Диаграмма – бу маълумотларни таҳлил қилиш ва солишириш учун фойдаланиладиган жадвал маълумотларининг график кўринишида тасвирланиши. Диаграммада ячейкаларнинг сонли қийматлари нуқталар, чизиқлар, полосалар, устунлар, секторлар кўринишида ва бошқа шаклда тасвирланади.

Ишчи майдон – файллар ёки китоблар тўплами. Ишлашда қулайлик учун бир нечта китобларни ишчи майдонда бирлаштириш мумкин ва уни битта файл деб ҳисоблаш мумкин.

Константалар – ячейкага киритиладиган ва ҳисоблашлар вақтида ўзгариши мумкин бўлмаган матн ёки сон қийматлари.

Мастер диаграмм - мустақил равишда диаграммани кўришни якунлайди.

Нисбий – ячейкалар формула ёрдамида ячейкадан нисбий силжиш билан ифодаланади (масалан: F7).

Обичный – күпчилик оператсияларни бажариш учун энг қулай.

Разметка страниц – жадвални босиб чиқаришдан аввал якуний форматлаш учун қулай. Саҳифалар орасидаги чегаралар ушбу режимда кўк пунктир чизиқлар билан тасвирланади. Жадвал чегаралари – туташ кўк чизиқ билан кўрсатилган, уни тортиб жадвал катталикларини ўзгартириш мумкин.

Расширенный фильтр - **бу** команда фақат муайян мезонларни қониқтирувчи ёзувларни чиқариш учун мезонлар диапазонидан фойдаланиш ёрдамида маълумотларни фильтрдан ўтказиш имконини беради.

Ячейка - Ҳар бир дастурда енг кичик маълумот бирлиги мавжуд. excel да маълумот бирлиги – катак, яъни (ячейка) ҳисобланади.

Тақдимот (ing. presentation) – аудиовизуал воситалардан фойдаланиб кўргазмали шаклда маълумот тақдим этиш шакли.

Мултимидали тақдимот – матнли маълумотлар, расмлар, слайд-шоу, диктор жўрлигидаги овоз билан бойитилган, видеопарча ва аниматция, уч ўлчамли графика тарзидаги дастурий таъминот бўлиши мумкин.

Чизиқли тақдимот – мураккаб графика, видео қўйилма, овоз жўрлигидаги ва навигация тизимига эга бўлмаган динамик ролик.

Интерфаол тақдимот – эрархик тамойиллар бўйича тузилмага келтирилган ва махсус фойдаланувчи интерфейси орқали бошқариладиган мултимидали компонентлар тўплами.

Иш майдони – объект ёки матн киритиш соҳаси.

Шаблон – дисқда сақланган файл презентацияси бўлиб, слайдлар ва титул ва рақлари, ранглар чизмаси ва график элементларнинг маълум бир намуналари ҳисобланади.

Демонстрация – слайдлардан иборат файлни экранда намойиш этиш.

Слайд - PowerPoint да яратилган призентацияларнинг асосий обьекти.

Microsoft PowerPoint - Компьютерли тақдимотларни яратишга мўлжалланган дастур

Microsoft PowerPointда белгилашлар ҳолати - қўшимча ускуналар панели пайдо бўлади.

Microsoft PowerPoint намойиш этиш ҳолати - тақдимотни кўриб чиқиш мумкин

***.ppt, *.pptx** - Microsoft PowerPoint дастури ёрдамида яратиладиган хужжатлар кенгайтмаси

Аниматция - экранда обьектларнинг кўринишини формаси ва ўлчамлари, ҳамда жойлашишини мультиплекцион кўринишида ўзгариши

Мултимедиа - овозли ва видеинформатияли маълумотли умумлашган дастур

Шаблон – Тайёр презентациялар бўлиб, унда расм ва матнлар форматланган

Слайдни форматлаш – Слайд матни шрифтларини, абзацларини ва маркерларини форматлаш

Автографика – Слайд объектлари ранги ва чизиклар параметрларини созлаш

Авторазметка – Стандарт объектлар, сарлавха, диаграмма ёки расмлар жойлаштириш слайд шаблони

Гипермедиа – Матнлар, рангли ҳаракатдаги тасвирларни, видеоклипларни берувчи хужжат

Прези – онлайн чиройли тақдимотлар яратишга мўлжалланган иловалар, Прези дастури -флеш тақдимотлар яратишнинг замонавий воситаларидан бири.

ZUI – (zooming user interface) обективдаги суратни фойдаланувчиларга яқинлаштириб ёки узоқлаштириб кўрсатиш.

Canvas – (“мустаҳкам ва дағал мато” маъносини англатади) презентация тайёrlаш учун майдон.

Frames and Arrows - форманинг турли соҳаларини белгилаш имконияти ва тақдимотга янги слайд кўринишларини қўшиш.

Insert - керакли маълумотларни тақдим этиш учун тасвирлар, видео ва бошқа файлларни қўшиш имконияти.

Theme - кўриш жиҳозланишини созлаш

Pathwaypoint - изма-из кетадиган йўлак

«**Trigger**» (angl. Trigger – қурол тепкиси маъносини англатади, обьект танлангандан кейин бирор бир ҳаракатни бажарувчи аниматция эффиқти.

-Вход(чиқиши) эффиқти- Объектни экранни турли қисмларидан ва турли кўринишларида чиқиши.

-Выход (чиқиб кетиши) эффиқти- Объектни :слайддан турли кўринишларда чиқиб кетади.

-Выделение (алоҳида ажратиш) эффиқти -объект ўлчамларини катталаштириш ва кичиклаштириш, рангларини ўзгартириш, обьектни ўз атрофидан айланиши келтириш мумкин.

-Пути перемещение (бир жойдан иккинчи жойга кўчиш йўли) эффиқти.

По щелчу - анимация эффиқти слайддаги обьект танланганда бошланади.

С предыдущим - анимация эффиқти олдинги эффиқт билан биргаликда ижро этилади.

После предыдущего - анимация эффекти рўйхатдаги олдинги эффект томомланиши билан тезда ижро этилади.

Глоссарий:

WAVE (.wav) – жуда кенг тарқалган овозли файл форматларидан бири. Windowc операцион муҳитида овозли маълумотларни сақлашда кўлланилади.

AU (.au, .snd) – Сун фирмаси ишчи стансияларида (.au) ва NeXT операцион тизимида (.snd) қўлланиладиган овозли файллар формати.

MPEG-3 (.mp3) – Бугунги кундаги энг оммабоп овозли файллар формати. Инсон нутқидан фарқ қилувчи товушларни сақлаш учун яратилган. Мусиқий ёзувларни рақамлаштиришда қўлланилади.

MIDI (.mid) – Мусиқа асбобларининг рақамли интерфейси (Musical Instrument Digital Interface). Бу стандарт 1980 йиллар бошида электрон мусиқа асбоблари ва компьютерлар учун ишлаб чиқилган

MOD (.mod) – алоҳида ноталар учун шаблон сифатида ишлатиш мумкин бўлган рақамланган овоз намуналари сақланувчи мусиқали формат.

IFF (.iff) – Interchange File Format – дастлаб Amiga компьютер платформаси учун яратилган формат.

AIFF (.aiff) – Audio Interchange File Format – овозли маълумотлар алмашиш учун формат, Silicon, Graphics ва Mac компьютер платформаларида кўлланилади.

RealAudio (.ra, .ram) – Интернетда овозни реал вақтда ижро этиш учун Real Networks (www.real.com) фирмаси томонидан ишлаб чиқилган формат.

Аналогли видео – Телевидениеда қўлланиладиган видео типи. Экрандаги тасвир люминофор материал билан қопланган, маълум тўлқин узунлигига, яъни аниқ бир рангда нур тарқатувчи экран бўйлаб электрон нурларнинг ҳаракати давомида ҳосил қилинади.

NTSC (National Television Standard Committee – миллий телевизион стандартлар комитети) Америка стандарти, кадрдаги сатрлар сони 525, частотота 60 ГГс;

PAL (Phase Alternation Line – ўзгарувчан фазали сатрлар) немис стандарти, кадрдаги сатрлар сони 625, частота 50 ГГс;

SECAM (Séquentiel couleur avec mémoire – хотирали ранглар кетма-кетлиги) француз стандарти, кадрдаги сатрлар сони 525, частота 50 ГГс.

CD AVI (Audio Video Interleave – аудио ва видео алмашинуви) – видеони сақлаш ва Windowc муҳитида намойиш этиш учун Microsoft томонидан яратилган формат, тасвир ва овознинг бир вақтда сакланиш имкониятини беради.

Quick Time Movie (.qt, .mov) – Adobe фирмаси томонидан Quick Time технологиялари асосида яратилган видео ёзиш ва намойиш этиш учун кенг тарқалган форматлардан бири.

MPEG (Motion JPEG)(.mpg, .mpeg, .dat) – Ҳаракатли тасвирлар бўйича эксперталар гурухи (MPEG – Moving Picture Expert Group) томонидан видео ёзиш ва намойиш этиш учун ишлаб чиқилган формат.

Digital Video (.DV) – Рақамли видеокамера ва видеомагнитофонлар учун яратилган формат.

VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонуни // Халқ сўзи, 2000 йил 28 июнь.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. 1997 йил 29 август.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сон Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги “Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги Фармони.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий-меъёрий хужжатлари

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2006 йил 16 февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

IV. Дарсликлар, ўқув кўлланмалар

1. Burns M. Distance Education for Teacher Training: Modes, Models, and Methods. – Washington: Education Development Center, 2011. – 338.
2. Topi H., Tucker A. Computing Handbook: Information Systems and Information technology. USA: Chapman and Hall/CRC, 2014. – 1454.
3. Андерсен, Бент Б. Мультимедиа в образовании / Бент Б. Андерсен, Катя ван ден Бринк – М.: Дрофа, 2007. – 224 с.
4. Сабирова Д.А. Мультимедиа тизимлари ва технологиялари. Ўқув кўлланма -Т: ТДИУ, 2014 й.
5. Андерсен, Бент Б. Мультимедиа в образовании / Бент Б. Андерсен, Катя ван ден Бринк – М.: Дрофа, 2007. – 224 с.
6. Фарберман Б.Л. Передовые педагогические технологии. Т.: ФАН, 2000.
7. Авлиёкулов Н. Замонавий ўқитиш технологиялари. Тошкент, 2001.
8. Adams, William J. and B. J. Jansen. (1997). “Information Technology and the Classroom of the Future.” Presented at the Society for Information Technology in Education Conference. Orlando, FL. Retrieved 19 February 2005 from: <http://jimjansen.tripod.com/academic/pubs/site97/site97.pdf>.
9. Woods, H. Arthur and Charles Chiu. (2003). “Wireless Response Technology in College Classrooms.” Retrieved 2 March 2005 from Michigan Virtual University’s web site, Tools: The Technology Source: <http://ts.mivu.org/default.asp?show=article&id=1045>
10. Р. Х. Аюпов, Г.Р. Болтабоева. «Инновацион таълим усуллари ва воситалари». Т.: ТМИ, 2014 йил, 160 бет.

Махсус адабиётлар

1. Burns M. Distance Education for Teacher Training: Modes, Models, and Methods. – Washington: Education Development Center, 2011. – 338.
2. Topi H., Tucker A. Computing Handbook: Information Systems and Information technology. USA: Chapman and Hall/CRC, 2014. – 1454.
3. Андерсен, Бент Б. Мультимедиа в образовании / Бент Б. Андерсен, Катя ван ден Бринк – М.: Дрофа, 2007. – 224 с.

4. Бурлаков М.В. Corel DRAW 12. - СПб.: БХВ – Петербург, 2006. – 688с.
5. Вовк Е. Т. Информатика: уроки по Flash. — М.: КУДИЦ-ОБРАЗ, 2005. — 176 с.
6. Гурский Ю., Гурская И., Жвалевский А. Компьютерная графика: Photoshop CS3, CorelDRAW X3, Illustrator CS3. Трюки и эффекты (+DVD с видеокурсом). — СПб.: Питер, 2008. — 992 с.
7. Сабирова Д.А. Мультимедийные системы и технологии. Учебное пособие -Т: ТГЭУ, 2012 г.
8. Сабирова Д.А. Мультимедиа тизимлари ва технологиялари. Ўкув кўлланма. - Т: ТДИУ, 2014 й.
9. Хамидов В.С. Методы и модели веб ориентированных адаптивных обучающих систем/LAP LAMBERT Academic Publishing, Germany. 2010, 228 стр.
10. Электрон университет. Масофавий таълим технологиялари. Олий таълим муассасалари учун / А.Парпиев, А.Марахимов, Р.Ҳамдамов, У.Бегимкулов, М.Бекмурадов, Н.Тайлоқов. ЎзМЭ давлат илмий нашриёти. - Т.: 2008. 196 б.
11. Яремчук С. Система управления обучением Claroline. //Системный администратор, №7 июль 2008. – С 82-85.
12. Р.Х.Аюпов, Г.Р.Болтабоева. «Инновацион таълим усуллари ва воситалари». Т.: ТМИ, 2014 йил, 160 бет.

Интернет ресурслари:

13. <https://lib.sportedu.uz>
14. <https://ziyonet.uz>
15. <https://lex.uz>
16. <https://khanacademy.org>
17. <https://codeacademy.org>
18. <https://vacademia.com>
19. <https://interneturok.ru>
20. <https://elearning.zn.uz>